

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК ИНСТИТУТИ

«ТЕХНИКА» ФАКУЛЬТЕТИ
«УМУМТЕХНИКА ФАНЛАРИ» КАФЕДРАСИ

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

факультет декани

К.Қосимов

К.Қосимов
«18» 06 2012 й.

«ҲИМОЯГА ҚЎЙИЛДИ»

кафедра мудири

В.Абдурахмонов

В.Абдурахмонов
«16» 06 2012 й.

“Андижон банк коллежи таълими самарадорлигини оширишда
янги педагогик технологияларнинг ўрни ва ахамияти” мавзусидаги

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

БАЖАРДИ: “Касб таълими” йўналиши 4-курс 1-гурух битирувчиси
Асқарова Олтиной Тахировна

ИЛМИЙ РАҲБАР: М.Тўхтабоев М.Тўхтабоев

МАСЛАҲАТЧИЛАР: Х.Хайдарова доцент Х.Хайдарова

Ў.Орзиқулов ассистент Ў.Орзиқулов

Г.Саттиқулова ассистент Г.Саттиқулова

ТАҚРИЗЧИЛАР: 1. Андижон банк коллежи директор
муовуни: Г.Ҳамракулова Г.Ҳамракулова

2. Андижон агроинноват коллежи
директори: А.Мўйдинов А.Мўйдинов



АНДИЖОН-2012 й.

АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК ИНСТИТУТИ
«Техника» факультети «Умумтехника фанлари» кафедраси
«Касб таълими» йўналиши 4-курс 1-гурӯҳ

«Тасдиқлайман»
“Умумтехника фанлари”
кафедраси мудири
В.Абдурахмонов

«14» декабрь 2011 й.

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ БЎЙИЧА ТОПШИРИҚ

Талаба: Асқарова Олтиной Тахировна

1. **Битирув малакавий ишининг мавзуси:** “Андижон банк коллежи таълими самарадорлигини оширишда янги педагогик технологияларнинг ўрни ва ахамияти”
2011 й. 7 декабр 5- сонли кафедра мажлисида маъқулланган
2. **Битирув малакавий ишининг топшириқ муддати:** «20» май 2012 й.
3. **Битирув малакавий ишини бажаришга доир бошланғич маълумотлар:**
Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари, “Таълим тўғрисидаги” Қонун, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” ва Андижон Банк коллежининг маълумотлари
4. **Ҳисоблаш-тушунтириш ёзувларининг таркиби (ишлаб чиқиладиган)**
 1. Янги педагогик технологияларнинг илмий-назарий асослари
 2. Андижон банк коллежида таълим-тарбия жараёнида педагогик технологиялардан фойдаланиш ҳолати таҳлили.
 3. Андижон банк коллежида замонавий педагогик технологиялардан фойдаланишни такомиллаштириш.
5. **Чизма ишлар рўйхати (номи аниқ кўрсатилади):**
 - 1.2.1 - чизма. “Ақлий ҳужум” методининг асосий қоидалари
 - 1.2.2 – чизма. “Кластер” методининг асосий қоидалари
 - 2.1.2. – диаграмма Педагогик жамоа таркиби таҳлили
 - 2.2.1.- жадвал Андижон банк коллежида педагогик технологиялардан фойдаланиш мониторинги

№	Бўлим мавзуси	Маслаҳатчи ўқитувчи Ф.И.Ш	Имзо, сана	
			Топширик берилди	Топширик бажарилди
1	Кириш	М.Тўхтабоев Ў.Орзикулов	20.01.2012	12.02.2012
2	Янги педагогик технологияларнинг илмий-назарий асослари	М.Тўхтабоев Ў.Орзикулов	13.02.2012	10.03.2012
3	Андижон банк коллежида таълим-тарбия жараёнида педагогик технологиялардан фойдаланиш ҳолати таҳлили.	М.Тўхтабоев Ў.Орзикулов	11.03.2012	21.04.2012
4	Андижон банк коллежида замонавий педагогик технологиялардан фойдаланишни такомиллаштириш.	М.Тўхтабоев Ў.Орзикулов	22.04.2012	19.05.2012
5	Хулоса	М.Тўхтабоев Ў.Орзикулов	20.05.2012	24.05.2012

7. Битирув малакавий ишини бажариш режаси

№	Битирув малакавий иши босқичлари номи	Бажариш муддати (сана)	Текширувдан ўтганлик белгиси
1	Таълим тизимида педагогик технология тадбиқ этиш зарурияти	13.02.2012	
2	Янги педагогик технологияларнинг илғор шакллари таснифи	25.02.2012	
3	Янги педагогик технологиялардан фойдаланиш самарадорлигини аниқлаш методикаси.	10.03.2012	
4	Андижон банк коллежи фаолиятининг ташкилий-педагогик тавсифи.	24.03.2012	
5	Андижон банк коллежида таълим технологияларини қўллаш билан боғлиқ ташкилий-услубий ишларни такомиллаштириш	07.04.2012	
6	Андижон банк коллежида иқтисодий фанларни ўқитишда педагогик технологиялардан фойдаланиш ҳолати.	21.04.2012	
7	Андижон банк коллежи таълимида инновацион усул ва воситалардан фойдаланишни ривожлантириш йўллари	05.05.2012	
8.	Андижон банк коллежида таълим технологияларини қўллаш билан боғлиқ ташкилий-услубий ишларни такомиллаштириш	12.05.2012	

Битирув малакавий ишини раҳбари: М.Тўхтабоев _____

Топшириқни бажаришга олдим: О.Асқарова _____
Топшириқни берилган сана: 2011 йил 14 декабрь

Мундарижа

Кириш

I боб. Янги педагогик технологияларнинг илмий-назарий асослари

- 1.1. Таълим тизимида педагогик технология тадбиқ этиш зарурияти.....
- 1.2. Янги педагогик технологияларнинг илғор шакллари таснифи.....
- 1.3. Янги педагогик технологиялардан фойдаланиш самарадорлигини аниқлаш методикаси.....

II боб. Андижон банк коллежи таълим-тарбия жараёнида педагогик технологиялардан фойдаланиш ҳолати таҳлили.

- 2.1. Андижон банк коллежи фаолиятининг ташкилий-педагогик тавсифи.....
- 2.2. Андижон банк коллежи таълимида янги педагогик технологияларни қўлланилиш ҳолати таҳлили.....
- 2.3. Андижон банк коллежида иқтисодий фанларни ўқитишда педагогик технологиялардан фойдаланиш ҳолати.....

III боб. Андижон банк коллежида замонавий педагогик технологиялардан фойдаланишни такомиллаштириш.

- 3.1. Андижон банк коллежи таълимида инновацион усул ва воситалардан фойдаланишни ривожлантириш йўллари.....
- 3.2. Андижон банк коллежида таълим технологияларини қўллаш билан боғлиқ ташкилий-услубий ишларни такомиллаштириш.....

Хулоса ва таклифлар.....

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....

Иловалар.....

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек: "Албатта ҳозирги кунда тараққиёт йўлидан изчил ривожланиб боришимизда, эзгу мақсадларимизни рўёбга чиқаришда ҳал қилувчи роль ўйнайдиган муҳим бир мезон борки, у ҳам бўлса, инсон капитали, яъни инсон омили, замонавий билим ва касб-ҳунарларни эгаллаган, мамлакатимиз истиқболи учун маъсулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган ҳаётга дадил қадамлар билан кириб келаётган ёшларимиздир"¹.

Ёшларимизга ҳозирги кунда барча қулайликларга эга бўлган жаҳон андозаларига мос кела оладиган замонавий биноларда таълим-тарбия олишларига, қолаверса юксак маънавий –ахлоқий фазилатларни ўзида мужассам этган, замонавий илғор педагогик технологиялар билан қуролланган педагоглар таълим-тарбия бериб келмоқдалар.

Шунга кўра "узлуксиз таълим - давлат таълим стандартлари, умумтаълим, умумкасбий ва махсус дастурларни амалга ошириш, таълимнинг мақсадли кўрсатмаларини бажариш доирасида бой маданий-тарихий ва маънавий-ахлоқий анъаналарга, фан, техника ва технологияларнинг илғор ютуқларига асосланган ҳам ўқув, ҳам ўқишдан ташқари ишларда педагогик таъсир кўрсатишнинг бутун комплексидан фойдаланилган ҳолда, комил инсонни, шахсни такомиллаштириш юзасидан аниқ мақсадга йўнаптирилган фаолият олиб боради"².

Ушбу фикрлардан шундай кенг қўламли вазифани амалга оширишда эса узлуксиз таълим тизимида таълим-тарбия самарадорлигини ошириш таълим мазмунини модернизациялаш пойдевори ҳисобланади. Хусусан, таълим-тарбия жараёнига замонавий педагогик технологияларни фаол татбиқ этиш,

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш -тараққиётимизнинг муҳим омилидир. "Халқ сўзи" газетаси, 2009 йил, 14 февраль

² Каримов И. А. "Баркамол авлод орзуси" Тошкент. "Шарқ" нашриёти. 1999 йил.

улардан таълим-тарбия жараёнида самарали фойдаланиш таълим тизимини жаҳон стандартларига олиб чиқишнинг муҳим долзарблигини белгилайди. Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб, “Андижон банк коллежи таълими самарадорлигини оширишда янги педагогик технологияларнинг ўрни ва ахамияти.” шу куннинг долзарб ва муаммоли мавзуларидан биридир.

Битирув малакавий ишнинг ўрганилганлик даражаси: Ҳозирги вақтда замонавий педагогик технологияларни таълим тизимига жорий этишнинг ҳал қилиниши зарур бўлган вазифа эканлигидан келиб чиқиб, педагог олимлар М.Қ.Пардаев, Б.Ю.Ходиев, Л.В.Голиш, Ж.Ғ.Йўлдошев, С.А.Усмонов, Р.Ж.Ишмухамедов, А.У.Арзиқулов ва бошқа олимларнинг илмий ишларида ўрганилган.

Битирув малакавий иши Андижон машинасозлик институтининг “Умумтехника фанлари” кафедраси илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

Битирув малакавий ишнинг мақсади: замонавий педагогик технологияларнинг таълим самарадорлигини оширишдаги ролини, замонавий педагогик технологиялардан фойдаланишнинг таълим тизимида баҳолаш усулларини, замонавий педагогик технологиялар билан педагогик маҳорат узвийлигини таъминлаш, ўрта махсус таълими жараёнига замонавий педагогик технологияларни тадбиқ этилишини ёритиб беришдан иборат.

Битирув малакавий ишнинг вазифаси мақсаддан келиб чиққан ҳолда қуйидагиларни белгилайди: – ўрта махсус таълим-тарбия тизимига янги педагогик технологияларни кенг жорий этишнинг назарий асосларини ишлаб чиқиш ва коллеж ўқитувчиларига услубий кўрсатмалар беришдан ҳамда қуйидагилардан иборат:

- Таълим тизимига педагогик технология тадбиқ этиш заруриятини изоҳлаш, янги педагогик технологияларнинг илғор шакллари таснифлаш, янги педагогик технологиялардан фойдаланиш самарадорлигини аниқлаш методикасини белгилаш, янги педагогик технологиялардан фойдаланиш самарадорлигини аниқлаш методикасини назарий жиҳатдан изоҳлаш.

- Андижон банк коллежи фаолиятининг ташкилий-педагогик тавсифи билан танишиш, Андижон банк коллежида таълимда янги педагогик технологияларни қўлланилиш ҳолати таҳлил қилиш, Андижон банк коллежида иқтисодий фанларни ўқитишда педагогик технологиялардан фойдаланиш ҳолатини ўрганиш ва таҳлил қилиш.

- Андижон банк коллежи таълимида инновацион усул ва воситалардан фойдаланишни ривожлантириш йўллари юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш, Андижон банк коллежида таълим технологияларини қўллаш билан боғлиқ ташкилий-услубий ишларни такомиллаштириш юзасидан тавсиялар ишлашдан иборат.

Битирув малакавий ишнинг объекти Андижон банк коллежи ва коллежнинг ўқув жараёни предмети ҳисобланади.

Битирув малакавий ишни тайёрлаш жараёнида кузатиш, қиёсий таҳлил, тизимли баҳолаш, таҳлил ва бошқа методлардан фойдаланилган.

Битирув малакавий ишнинг ахборот базаси Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан, Ўзбекистон Республикаси Қонунларидан, Вазирлар Маҳкамаси қарорларидан, Президент қарорлари ва фармонларидан, Президент асарларидан ҳамда Ватанимиз ва хориж педагог олимларининг дарслик, ўқув қўлланмаларидан ва Андижон банк коллежининг статистик манбааларидан фойдаланилди.

Битирув малакавий ишнинг илмий янгилиги таълим жараёнида янги педагогик технологиялардан фойдаланишда ўқитувчининг талабалар билан эркин мулоқоти ва дарсда ўзаро ҳамкорлик фаолияти самарадорлигини белгилаб беради.

Битирув малакавий иш натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти шундан иборатки, ундаги хулоса ва тавсиялардан касб – ҳунар коллежларида таълим-тарбия жараёнларида замонавий педагогик технологияларни жорий этиш орқали самарадорликка эришиш . Ушбу ишдан фойдаланилса касб – ҳунар коллежларидаги таълим – тарбия тизимида самара бериши мумкин.

Битирув малакавий иши - кириш, 3 боб, 8 параграф, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат.

Битирув малакавий ишнинг жорий қилиниши ва синовдан ўтиши - “Андижон банк коллежи таълими самарадорлигини оширишда янги педагогик технологияларнинг ўрни ва аҳамияти” мавзусини ёритишда таълим самарадорлигини ошириш мақсадида 2009 йилдан буён халқаро ва республика миқёсида ўтказилиб келинаётган илмий – амалий анжуманларда ўзимнинг 21дан ортиқ илмий мақолаларим ва тезисларим орқали қатнашиб келяпман. Ҳамда Андижон вилояти миқёсидаги касб ҳунар коллежларида педагогик технологияларни қўллаган ҳолда тренинг машғулотлар олиб бордим. Андижон банк коллежида синов ўтказилди ва коллеж маъмурияти томонидан тегишли хулоса ва тақризлар берилди.

I боб. Янги педагогик технологияларнинг илмий-назарий асослари

1.1. Таълим тизимига педагогик технология тадбиқ этиш зарурияти

Илм-фан ва техника ривожининг юксак суръати моддий ишлаб чиқариш жараёнини назарий (ғоявий) ҳамда амалий жиҳатдан бойитиб бориш билан бирга ижтимоий муносабатларнинг янгича мазмун касб этишини таъминлади. Хизмат кўрсатиш соҳаларининг пайдо бўлиши, янгича турмуш тарзи кишиларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларининг янгиланиб ҳамда ортиб бориши ўз навбатида замин этувчи фаолиятнинг йўлга қўйилиши такоза этди. Ижтимоий зарурат маҳсули бўлган технология соҳаси ва жисмоний куч сарфлаган ҳолда юксак сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш имконини беради. Моддий ишлаб чиқариш, хомашёни қайта ишлаш соҳалари (хусусан, қишлоқ хўжалиги саноат, транспорт маиший хизмат кўрсатиш)да инновацион ёндашув анъанаси юзага келди. Ишлаб чиқариш жараёнига технологик ёндашув ушбу жараённинг умумий тавсифини ёритишга хизмат қилади, яъни муайян маҳсулотни ишлаб чиқариш мақсадида ҳом ашёни танлаш (дастлабки босқич)дан маҳсулотни истеъмолчига етказиб беришгача бўлган (сўнги босқич) даврни ўз ичига олган жараён технологик жараён сифатида эътироф этилади. Ишлаб чиқариш жараёнига нисбатан технологик ёндашув муайян соҳаларда ислохатларни ташкил этиш, уларнинг муваффақиятини таъминлаш ва уларни бойитиб бориш каби мақсадларга эришишнинг самарали омили сифатида ташкил этилди.

Моддий ишлаб чиқариш соҳаларига замонавий, илғор, юксак технологияларнинг қўлланиш шартларидан бири –малакали мутахассисларни тайёрлаш, уларнинг касбий маҳоратини доимий равишда ошириб боришни йўлга қўйиш эканидан ҳам англанадики, ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаёт бир-бири билан узвийлик, алоқадорлик ҳамда яхлитлик тамойили асосида ривожланиб боради.

Жамият ижтимоий ҳаётида етакчи ўрин тутган ғоя ва қарашлар иқтисодий ишлаб чиқариш ривожига ўз таъсирини ўтказса, ўз навбатида

иқтисодий ўсиш аҳоли маданий турмуш тарзининг яхлитланишига олиб келади.

Ижтимоий –иқтисодий тараққиёт жараёнида рўй бераётган ўзгаришлар натижасида халқ хўжалигининг турли соҳалари учун малакали кадрларни тайёрлаб бериш эҳтиёжи юзага келди. Ушбу эҳтиёжни қондириш ишлаб чиқариш (моддий ёки номоддий ишлаб чиқариш тармоғи бўлишидан қатъий назар) соҳалари томонидан турли мутахасислик ёки иқтисослик бўйича касбий маълумотга эга кадрларни тайёрлаш ишига масъул саналган таълим муассасаларига ижтимоий буюртма бериш ҳамда мазкур буюртманинг сифатли бажарилиши асосида ҳал этилади. Айтилишича, Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган таълим муассасалари зиммасига эркин, мустақил фикр юрита оладиган тафаккури ва дунё қараши кенг, билимли, шунингдек, мутахасислиги бўйича чуқур билим, юксак малакага эга бўлган кадрлар (мутахасислар) ни тайёрлаб беришдек масъулиятли ижтимоий вазифа юкланган.

Ишлаб чиқариш соҳалари учун малакали кадрларни тайёрлаб бериш борасидаги ижтимоий буюртма моҳияти ўз-ўзидан таълим тарбия тизими, ушбу тизим доирасида фаолият кўрсатувчи таълим муассасаларининг фаолияти мазмуни тубдан ёки қисман ўзгаради. Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган таълимий ислохатлар ҳамда кадрлар тайёрлаш борасидаги ижтимоий буюртма моҳиятига кўра «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» асосида узликсиз таълим тизими яратилиб, аниқ вазифаларни бажарувчи босқичлар белгиланди. Шунингдек, янги турдаги таълим муассасалари фаолият юрита бошлади.

Узликсиз таълим тизимининг шаклланиши ўз-ўзидан кадрлар тайёрлаш жараёнининг янгича мазмун касб этишини таъминлайди. Баркамол шахс ва малакали мутахасисни тайёрлашга йўналтирилган узликсиз таълим (шу жумладан, тарбия) жараёнининг янги мазмуни маскур жараёнга илм фан, техника ва ишлаб чиқариш соҳаларида яратилган ғоя, кашфиёт ва ютуқларнинг тадбиқ этилиши, ушбу жараёнда демократик, инсонпарварлик

таъмойилларининг устувор ўрин тутиши, таълим ва тарбия жараёнини инсонпарварлаштириш (яъни, таълим тарбия жараёнининг асосий субъектларидан бири бўлган ўқувчи –таълим олувчи шахснинг хурмат қилиниши унинг шаъни, ор-номуси, кадр-қиммати ва ҳуқуқлари дахлсизлигининг таъминланиши), таълим олувчи (ўқувчи)нинг педагогик жараёндаги фаол иштироғини юзага келтириш учун муайян шарт шароитларни яратиш, уларнинг хоҳиш – истаклари билан ўртоқлашиш, шахсий ташаббусларни қўллаб қувватлаш, уларда мустақил фикр юритиш лўёқатини тарбиялаш, бу борада муайян кўникма ҳосил қилиш, ҳосил қилинган кўникманинг фаолият малакасига айланишига рағбат билдириш, ўқув манбалари ва кўрсатмали воситалар) мазмунида юқорида қайд этилган ғояларнинг ўрин олишига эришиш, таълим олувчи (ўқувчи)ларда билим олишга нисбатан ички эҳтиёж, қизиқиш, рағбатни юзага келтириш, шунингдек, онгли муносабатни қарор топтириш ва ҳақозалар асосида яратилади .

Янгича мазмун касб этган кадрлар тайёрлаш жараёни баркамол шахс ва малакали мутахассисни тайёрлаш борасидаги ижтимоий буюртманинг бажарилиш даражаси ва сифат кўрсаткичининг юқори бўлишини кафолатлайди. Бозор иқтисодиёти муносабатлари ишлаб чиқариш маҳсулотларга нисбатан аҳоли томонидан билдирилаётган талаб ва таклиф асосида тартибга солинар экан, муайян йўналиш бўйича малакавий (касбий) маълумотига эга мутахассиснинг ижтимоий рақобатга бардошли муҳим аҳамиятга эгадир. Халқ ҳўжалигининг рақобатбардош мутахассислари билан таъминланиши узлуксиз таълим тизимида ташкил этилган педагогик фаолиятининг самарали, муваффақиятли эканлигини кўрсатувчи далил ҳисобланади.

Педагогик таълим технологияларнинг психологик-педагогик нуқтаи назардан такомиллашувининг асосий йўналишлари қуйидагилар билан ифодаланади:

- 1) Ёдлашдан эслаб қолиш функциясига ўтиш, яъни ўзлаштирилганини

ишлатиш имконини берувчи ақлий ривожланиш жараёнига ўтиш;

2) Билимнинг ассоциатив статистик моделидан ақлий ҳаракатнинг динамик таркибий тизимларига ўтиш;

3) Ўртача талабага йўналтирилганликдан ўқитишнинг дифференциалланган ва индивидуаллаштирилган дастурларига ўтиш;

4) Талабанинг ташқи мотивациясидан ички маънавий иродали тартибга солинишга ўтиш.

Таълимда замонавий дидактика ва таълим таркибларининг самарадорлигини ошириш, янги ғоя ва технологияларнинг илмий ишлаб чиқиши ва амалий асосланиши ишлатилмоқда. Бунда ҳар хил педагогик тизим билан ўқитиш технологиялари ўртасида боғлиқлик, амалиётда давлат таълим тизимининг янги шакллари (қўшимча ва альтернатив) нинг апробацияси, ҳозирги замон шароитида ўтмишнинг педагогик тизимларини кўллаш муҳим ҳисобланади. Бундай шароитда педагог, бошқарувчи кенг кўламли замонавий инновацион технологиялар, ғоялар, ўқув муассасалар, йўналишларда маълум бўлган нарсаларни қайта очишга вақтини сарфлаш керак эмас.

Бугунги кунда саводли мутахассис бўлиш учун таълим технологияларнинг ҳаммасини ўрганиш лозим.

Ҳозирги вақтда педагогик луғатда педагогик технологиялар тушунчаси мустаҳкам ўрнашган. Лекин уни тушуниш ва ишлатишда турли хил ўқилиши мумкин. Педагогик технология тушунчасига бир қатор педагог олимлар томонидан турлича таърифлар берилган.

Педагогик технология - таълим шакли, усули, услублари, тарбиявий воситаларнинг махсус йиғилишини аниқловчи психологик-педагогик кўрсатмаларнинг мажмуидир. (В. Фарберман)

Педагогик технология - бу ўқув жараёнини амалга оширилишининг сермазмун техникасидир. (Г. Беспалько)

Педагогик технология-ўқитишнинг режалаштирилган натижаларига эришиш жараёнининг тавсифларидир. (Шепель)

Педагогик технология-бу ўқув жараёнининг лойиҳалаштирилиши, ташкил этилиши, ўтказилиш бўйича барча тафсилотлари билан ўйлаб чиқилган жамоа педагогик фаолиятининг модели ҳисобланади. У талаба ва педагогларга қулай шароитлар яратиши шарт. (В.Монахов)

Педагогик технология-бу таълим шаклларини оптимизациясини ўзига мақсад қилиб олган инсон ва техник ресурслари ва уларнинг ўзаро таъсирини ҳисобга олган ҳолда ўқитиш жараёнини ташкил этиш, қўллаш ва аниқлашнинг ҳамда билимларни ўзлаштиришнинг услубларидир³. (ЮНЕСКО)

Педагогик технология-педагогик мақсадларга эришиш учун қўлланиладиган шахсий, интеллектуал, услубий воситаларнинг амал қилиш тартибидир. (М.Кларин)

Педагогик технология тушунчасига бир қатор ўзбекистонлик педагог олимлар ҳам турлича таърифлар берганлар, масалан, У.Толиповнинг “Педагогик технология: назария ва амалиёт” номли монографиясида куйидагича ифодаланганлигини келтириб ўтдик.

Педагогик технология аспектлари.

Педагогик технология тушунчаси 3 аспектда намоён бўлиши мумкин:

1. Илмий аспект-педагогик технология педагогик фаннинг қисми сифатида таълим услублари, таркиби ва мақсадларини ишлаб чиқади ва ўрганadi, ҳамда шу билан бирга педагогик жараёнларини лойиҳалаштиради.

2. Процессуал-тавсифий аспект - таълимда режалаштирилган натижаларга эришиш учун жараённи тасвирлаш, мақсад, таркиб, услуб ва воситалар мажмуидир.

3. Процессуал-амалий аспект - педагогик (технологик) жараённинг амалга ошиши, барча педагогик методологик (услубий), инструментал воситаларнинг амал қилиш.

³ И.Мамажонов «Бўлажак иқтисодчи-ўқитувчиларни тайёрлашда янги педагогик технологиялардан фойдаланиш» Магистрлик диссертацияси. Т., 2001.

Шундай қилиб, педагогик технология фан сифатида амал қилиб, таълимнинг янада рационал йўллари тадқиқ этади.

Бу эса таълимда қўлланиладиган усуллар, тамойиллар ва регулятивлар тизими сифатида ҳамда таълимнинг реал жараёни сифатида бажаради.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, бугунги кунда таълимда замонавий дидактика ва таълим таркибларининг самарадорлигини ошириш имкониятлари, янги ғоя ва технологияларнинг илмий ишлаб чиқиши ва амалий асосланиши қўлланилмоқда. Замонавий технологик мутахассис бўлиш учун таълим технологияларининг барчасини, шу жумладан педагогик компонентларини чуқур ўрганиб, таҳлил қилиш лозим.

Умумий кўринишда педагогик технология таркибига қуйидагилар киради:

- фаннинг идентификациялашган ўқув мақсадларини ишлаб чиқиш;
- ўқув мақсадли шажараси;
- ўқув мақсадларини назорат топшириқларига айлантириш;
- мақсадга эришиш усуллари;
- эришилган ўқув мақсадларини баҳолаш.

Бу таркибий қисмларнинг ҳар бири маълум йўналишдаги педагогик операциялар тизимини ташкил этади.

Янги педагогик технологияларни таълим жараёнига қўллашнинг қуйидаги афзалликлари бор:

- профессор-ўқитувчи ҳам, талаба ҳам қулай вазиятлардан фойдаланиб, тушунтириш ва тушуниш имкониятига эга бўлади;
- талабаларнинг билим кўникмаларини эгаллаш самараси ошади;
- дарсни юқори савияда сифатли олиб бориш учун шароит яратилади;
- ўқитишнинг энг прогрессив усулларида фойдаланишга имконият яратилади;
- педагог ва талабалар ҳамкорлигида нафақат ўзи учун янги билимлар ўзлаштирилади, балки бунда талаба ўзгача кашфиётлар қилади. Бундай

фаолият талаба учун алоҳида шахсий қадриятга эга ва шу сабабли унинг ўрганиш иштиёқини орттиради;

- мавзу мазмунини тўлиқ ўзлаштиришга имкон яратилади.

Янги педагогик технологияларнинг муҳим хусусиятлари қуйидагилар:

- ижтимоий муҳандислик тафаккурининг маҳсули эканлиги;

- технократик илмий фикрнинг таълим соҳасидаги лойиҳаси эканлиги;

- таълим жараёнини маълум даражада стандартлаштириш такрорланадиган педагогик жараёнга айлантиришдир.

Бу фаолият онгли, мақсадли ва иродавий йўналишда бошқарилади ва бунда мунтазам равишда диагностика (ташхислаш), прогностика (башоратлаш), коррекциялаш (тузатиш киритиш), қарор қабул қилиш каби жараёнлар ҳукм суради ҳамда ушбу жараёнда ўқитувчи ҳар бир таълим оловчида ақлий, интеллектуал, касбий жиҳатдан рўй бераётган ўзгартиришларнинг тизимли мониторингини олиб боради.

1.2. Янги педагогик технологияларнинг илғор шакллари таснифи

Ҳозирги даврда таълим жараёнида технологияларнинг ўрни масаласи назарий ва илмий-амалий жиҳатдан ўрганилмоқда. Педагогик технологиялар педагогика фанининг асосий тоифаси сифатида намоён бўлсада, амалий жиҳатдан эса унинг қўлланиш соҳаси жуда кенг бўлиб, нафақат таълим балки, тарбиявий соҳада, шахсни ҳар томонлама шаклатиришда муҳим ўрин тутди. Шунинг учун ҳам таълим жараёнида педагогик технологияларга бўлган қизиқишнинг ортиши мавжуд муаммоларни ечимида зарурий эҳтиёж даражасига чиқди.

Кўплаб яратилаётган педагогик технологияларнинг барчаси ҳам бирдай қўллаш учун мўлжалланмаган. Чунки педагогик технология фанининг асосий объекти сифатида; таълим технологияси, ўқитиш технологияси, тарбия технологияси ва ривожлантирувчи таълим технологиялари каби тоифалар

мавжудлигини инобатга олсак, унинг ягона умумэтироф этилган таснифи йўқлигига гувоҳ бўламиз.

Мутахассис олимларнинг фикрича, педагогик технологиялар мазмун-моҳияти ва қўлланиш соҳасига кўра турли гуруҳларга бўлинади.

Жумладан, Г.К.Селевко педагогик технологияларни қуйидаги турларга бўлади: шахсни шакллантирувчи, ахборот, руҳий-бадий, руҳий-бағрикенглик, ўз-ўзини ривожлантирувчи; шакли ва тузилишига кўра - ўқитиш ва тарбия технологиялари, диний ва дунёвий, умумтаълим ва касбий йўналишдаги ҳамда ижтимоий техник технологиялар.

В.П.Беспалько ўқувчининг ташкилий ва бошқарув фаолиятидан келиб чиқиб, педагогик технологияларни таснифлайди. Ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятини барча қирраларини таҳлил этган ҳолда қуйидаги педагогик технология турларига ажратади ва "дидактик тизим" деб номлайди. Улар қуйидагилар:

1. Анънавий маъруза шаклидаги ўқитиш.
2. Аудиовизуал техник воситалар ёрдамида ўқитиш.
3. "Маслаҳатчи" тизим.
4. Ўқув адабиётлари ёрдамида ўқитиш.
5. "Кичик гуруҳлар" тизими.
6. Гуруҳлар шаклидаги ўқитиш.
7. Техник воситалар орқали ўқитиш.
8. "Репетитор" тизими яқка тартибда ўқиш.
9. Дастурли ўқитиш.

Таълимда ўқитишнинг концептуал асосларидан келиб чиққан ҳолда Ф.Я.Савельев ўқитиш технологияларини анъанавий ва инновацион ўқитиш технологияларига ажратади;

- касбий йўналишига кўра - ўқувчиларни, талабаларни, ўқитувчиларни, мураббийларни, турли касб эгаларини ва давлат хизматчиларини ўқитиш технологиялари;

-ўқитиш шаклига кўра технологиялар - гуманитар фанлар учун, табиий ва техник фанлар учун;

- техник воситаларни қўлланилишига кўра - аудиовизуал, аудиотехника ва компьютер воситалари ёрдамида ўқитиш;

- ўқитишни ташкил этилишига кўра - яқка, жамоа ва аралаш;

-методик вазифасига кўра – бирор-бир предметга тегишли технология.

Г.Ю.Ксенозова педагогик технологияларни асосан уч гуруҳга ажратади:

1. Иллюстратив - кўргазмалар ўқитиш технологияси;

2. Шахсга йўналтирилган технологиялар.

3. Ривожлантирувчи таълим технологиялари.

Юқоридаги келтирилган тадқиқотчиларнинг ишларини ўрганиб шундай хулосага келиш мумкин:

Педагогик технологиялар таснифдан ўринли, мақсадга мувофиқ тарзда таълим жараёнига тадбиқ этиш таълим самарадорлигини оширишга, таълим оловчиларда билим, кўникма ва малакаларни ривожлантиришга ёрдам беради.

Янги педагогик технологияларни қўллаб замонавий таълимни ташкил этишга қўйиладиган муҳим талаблардан бири ортикча руҳий ва жисмоний куч сарф этмай, қисқа вақт ичида юксак натижаларга эришишдир. Қисқа вақт орасида муайян назарий билимларни ўқувчиларга етказиб бериш, уларда маълум фаолият юзасидан кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш, шунингдек, ўқувчилар фаолиятини назорат қилиш, улар томонидан эгалланган билим, кўникма ҳамда малакалар даражасини баҳолаш ўқитувчидан юксак педагогик маҳорат ҳамда таълим жараёнига нисбатан янгича ёндошувни талаб этади.

Бугунги кунда бир қатор ривожланган мамлакатларда бу борада катта тажриба тўпланган бўлиб, ушбу тажриба асосларини ташкил этувчи методлар ҳозирги кунда интерфаол методлар номи билан юритилмоқда. Қуйида ҳозирги кунда Ўзбекистонда ҳам таълим амалиётида

фойдаланилаётган интерфаол методлардан бир нечтасининг моҳияти ва улардан фойдаланиш борасида сўз юритамиз.

«Фикрлар ҳужуми» технологияси

Мазкур метод ўқувчиларнинг машғулотлар жараёнидаги фаолликларини таъминлаш, уларни эркин фикр юритишга рағбатлантириш ҳамда бир хил фикрлаш инерциясидан озод этиш, муайян мавзу юзасидан ранг — баранг ғояларни тўплаш, шунингдек, ижодий вазифаларни ҳал этиш ва ечиш жараёнининг дастлабки босқичида пайдо бўлган фикрларни енгиласига ўргатиш учун хизмат қилади. «Фикрий ҳужум» методи А.Ф.Осборн томонидан тавсия этилган бўлиб, унинг асосий тамойили ва шарти машғулот (бахс)нинг ҳар бир иштирокчиси томонидан ўртага ташланаётган фикрга нисбатан танқидни мутлақо таъқиқлаш, ҳар қандай луқма ва ҳазил — мутойибаларни рағбатлантиришдан иборатдир. Бундан кўзланган мақсад ўқувчиларнинг машғулот (бахс) жараёнидаги эркин иштирокини таъминлашдир. Таълим жараёнида ушбу методдан самарали ва муваффақиятли фойдаланиш ўқитувчининг педагогик маҳорати ва тафаккур кўламининг кенглигига боғлиқ бўлади. «Фикрий ҳужум» технологиясидан фойдаланиш чоғида ўқувчиларнинг сони 15 нафардан ошмаслиги мақсадга мувофиқдир. Ушбу методга асосланган машғулот бир соатга қадар ташкил этилиши мумкин.

«6х6х6» методи

Ушбу метод ёрдамида бир вақтнинг ўзида 36 нафар ўқувчини муайян фаолиятга жалб этиш орқали маълум топшириқ ёки масалани ҳал этиш, шунингдек, гуруҳларнинг ҳар бир аъзоси имкониятларини аниқлаш, уларнинг қарашларини билиб олиш мумкин. «6х6х6» методи асосида ташкил этилаётган машғулотда ҳар бирида 6 нафардан иштирокчи бўлган 6 та гуруҳ ўқитувчи томонидан ўртага ташланган муаммо (масала)ни муҳокама қилади. Белгиланган вақт ниҳоясига етгач ўқитувчи 6 та гуруҳни қайта тузади. Қайтадан шаклланган гуруҳларнинг ҳар бирида аввалги 6 та гуруҳдан биттадан вакил бўлади. Янги шаклланган гуруҳ аъзолари ўз

жамоадошларига аввалги гуруҳи томонидан муаммо (масала) ечими сифатида тақдим этилган хулосани баён этиб берадилар ва мазкур ечимларни биргаликда муҳокама қиладилар.

«бхбхб» методининг афзаллик жиҳатлари қуйидагилардир:

- 1) гуруҳларнинг ҳар бир аъзосини фаол бўлишга ундайди;
- 2) улар томонидан шахсий карашларнинг ифода этилишини таъминлайди;
- 3) гуруҳнинг бошқа аъзоларининг фикрларини тинглай олиш кўникмаларини ҳосил қилади;
- 4) илгари сурилаётган бир неча фикрни умумлаштира олиш, шунингдек, ўз фикрини ҳимоя қилишга ўргатади.

Энг муҳими машғулот иштирокчиларининг ҳар бири қисқа вақт (20 дақиқа) мобайнида ҳам мунозара қатнашчиси, ҳам тингловчи, ҳам маърузачи сифатида фаолият олиб боради.

Ушбу методни 5, 6, 7 ва ҳатто 8 нафар ўқувчидан иборат бўлган бир неча гуруҳларда ҳам қўллаш мумкин. Бироқ йирик гуруҳлар ўртасида «бхбхб» методи қўлланилганда вақтни кўпайтиришга тўғри келади. Чунки, бундай машғулотларда мунозара учун ҳам, ахборот бериш учун ҳам бир мунча кўп вақт талаб этилади. Сўз юритилаётган метод қўлланилаётган машғулотларда гуруҳлар томонидан бир ёки бир неча мавзу (муаммо)ни муҳокама қилиш имконияти мавжуд.

«бхбхб» методидан таълим жараёнида фойдаланиш ўқитувчидан фаоллик, педагогик маҳорат, шунингдек, гуруҳларни мақсадга мувофиқ шакллантира олиш лаёқатига эга бўлишни талаб этади. Гуруҳларнинг тўғри шакллантирилмаслиги топшириқ ёки вазифаларнинг тўғри ҳал этилмаслигига сабаб бўлиши мумкин. «бхбхб» методи ёрдамида машғулотлар қуйидаги тартибда ташкил этилади:

1. Ўқитувчи машғулот бошланишидан олдин 6 та стол атрофига 6 тадан стул қўйиб чиқади.
2. Ўқувчилар ўқитувчи томонидан 6 та гуруҳга бўлинадилар.

Ўқувчиларни гуруҳларга бўлишда ўқитувчи қуйидагича йўл тутиши мумкин: 6 та столнинг ҳар бирига муайян объект (масалан, кема, тўлқин, балиқ, дельфин, кит, акула) сурати чизилган лавҳани кўйиб чиқади. Машғулот иштирокчиларига кема, тўлқин, балиқ, дельфин, кит ҳамда акула сурати тасвирланган (жами 36 та) варақчалардан бирини олиш таклиф этилади. Ҳар бир ўқувчи ўзи танлаган варақчада тасвирланган сурат билан номланувчи стол атрофига қўйилган стулдан жой эгаллайди.

3. Ўқувчилар жойлашиб олганларидан сўнг ўқитувчи машғулот мавзусини эълон қилади ҳамда гуруҳларга муайян топшириқларни беради. Маълум вақт белгиланиб, мунозара жараёни ташкил этилади.

4. Ўқитувчи гуруҳларнинг фаолиятини кузатиб боради, керакли ўринларда гуруҳ аъзоларига маслаҳатлар беради, йўл-йўриқлар кўрсатади, ҳамда гуруҳлар томонидан берилган топшириқларнинг тўғри хал этилганлигига ишонч ҳосил қилганидан сўнг гуруҳлардан мунозараларни яқунлашларини сўрайди.

5. Мунозара учун белгиланган вақт ниҳоясига етгач, ўқитувчи гуруҳларни қайтадан шакллантиради. Янгидан шаклланган ҳар бир гуруҳда аввалги 6 та гуруҳнинг ҳар биридан бир нафар вакил бўлишига алоҳида эътибор қаратилади. Ўқувчилар ўз ўринларини алмаштириб олганларидан кейин белгиланган вақт ичида гуруҳ аъзолари аввалги гуруҳларига топширилган вазифа ва унинг ечими хусусида гуруҳдошларига сўзлаб берадилар. Шу тартибда янгидан шаклланган гуруҳ аввалги гуруҳлар томонидан қабул қилинган хулосалар (топшириқ ечимлари) ни муҳокама қиладилар ва якуний хулосага келадилар.

«Бумеранг» технологияси

Бу технология бир машғулот давомида ўқув материални чуқур ва яхлит ҳолатда ўрганиш, ижодий тушуниб етиш, эркин эгаллашга йўналтирилган. У турли мазмун ва характерга (муаммоли, мунозарали, турли мазмунли) эга бўлган мавзуларни ўрганишга яроқли бўлиб, ўз ичига оғзаки ва ёзма иш шаклларини қамраб олади. Ҳар бир машғулот давомида

талабаларнинг турли топшириқларни бажариши, навбат билан ўқитувчи ёки талаба, иқтисодчи ёки тадбиркор ролида бўлиши, керакли баллини тўплашига имконият яратади.

«Бумеранг» технологияси танқидий фикрлаш, мантиқни шакллантиришга имконият яратади ҳамда ғоя ва фикрларни ёзма ва оғзаки шаклларда баён қилиш кўникмаларини ривожлантиради. Мазкур метод тарбиявий характердаги қатор вазифаларни амалга ошириш имконини беради, яъни; бўлажак иқтисодчиларда жамоа билан ишлаш маҳорати, муомалалик, хушфеъллик, ўзгалар фикрига ҳурмат, раҳбарлик сифатларини шакллантириш, ишга ижодий ёндашиш, ўз фаолиятини самарали бўлишига қизиқиш, ўзини холис баҳолаш кабилар.

«Веер» технологияси

Бу технология мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар муаммо характердаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Технологиянинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича ахборот берилади ва уларнинг ҳар бири алоҳида муҳокама этилади. «Веер» технологияси танқидий, таҳлилий, аниқ ва мантиқий фикрларни ривожлантиришга ҳамда ўз ғоялари ва фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда баён этиш ҳамда ҳимоя қилишга имконият яратади.

«Иқтисодчи-раҳбар» технологияси

Бу усул талабаларни ижодий, мустақил, образли фикрлашга ўргатади. Иш режасини тузиш, танқидий фикрлаш қобилиятларини ривожлантиришга ёрдам беради. Масалан, «Ўзини-ўзи бошқариш», «Раҳбарнинг ташкилий қобилиятлари», «Замонавий тадбиркор шахси», «Замонавий иқтисодчининг шахси» деб номланувчи мавзуларнинг якунида «Иқтисодчи-раҳбар» деган янги усулдан фойдаланилади. Ҳар бир талабага варақлар тарқатилади, уларда «Мен фирма директори», «Мен фермер», «Мен банкир», «Мен тадбиркор», «Мен оддий ишчи» каби саволлар ёзилган. Ҳар бир гуруҳ талабаси ўзига тушган фаолиятни таърифлаб, мазмунини очиб беради.

«Скарабей» технологияси

«Скарабей» интерактив технология бўлиб, у талабаларда фикрий боғлиқлик, мантиқ ва хотиранинг ривожланишига имконият яратади. Талабаларда муаммони ҳал қилишда ўз фикрини очик ва эркин ифодалаш маҳоратини шакллантиради. Мазкур технология мустақил равишда билимнинг сифати ва савиясини холис баҳолаш, ўрганилаётган мавзу ҳақидаги тушунча ва тасаввурларини аниқлаш имконини беради ҳамда турли ғояларни ифодалаш ва улар орасидаги боғлиқликларни аниқлашга имкон яратади.

“Ақлий ҳужум” («Мозговая атака») технологияси

Мазкур метод муайян мавзу юзасидан берилган муаммоларни ҳал этишда кенг қўлланиладиган метод саналиб, у машғулот иштирокчиларини муаммо хусусида кенг ва ҳар томонлама фикр юритиш, шунингдек, ўз тасаввурлари ва ғояларидан самарали фойдаланиш борасида маълум кўникма ҳамда малакаларни ҳосил қилишга рағбатлантиради. Ушбу метод ёрдамида ташкил этилган машғулотлар жараёнида ихтиёрий муаммолар юзасидан бир неча оригинал ечимларни топиш имконияти туғилади. “Ақлий ҳужум” методи танлаб олинган мавзулар доирасида маълум кадриятларни аниқлаш, айти вақтда уларга муқобил бўлган ғояларни танлаш учун шароит яратади. Машғулотлар жараёнида “Ақлий ҳужум” методидан фойдаланишда бир неча қоидаларга амал қилиш талаб этилади. ушбу қоидалар қуйидагилардир:


1. Машғулот иштирокчиларини муаммо доирасида кенг фикр юритишга ундаш, улар томонидан кутилмаган мантиқий фикрларнинг билдирилишига эришиш.

2. Ҳар бир ўқувчи томонидан билдирилаётган фикр ёки ғоялар миқдори рағбатлантирилиб борилади. Бу эса билдирилган фикрлар орасидан энг мақбулларини танлаб олишга имкон беради. Бундан ташқари фикрларнинг рағбатлантирилиши навбатдаги – янги фикр ёки ғояларнинг пайдо бўлишига олиб келади.


3. Машғулот жараёнида ўқувчиларнинг ҳар қандай фаолиятларини стандарт талаблар асосида назорат қилиш, улар томондан билдирилаётган фикрларни баҳолашга йул қуйилмайди. Агарда уларнинг фикр (ғоя) лари баҳолашиб бориладиган бўлса, ўқувчилар ўз диққатларини, шахсий фикрларини химоя қилишга қаратадилар, оқибатда улар янги фикрларни илгари сурмайдилар. Мазкур методни қўллашда кўзланган асосий мақсад ўқувчиларни муаммо хусусида кенг ва чуқур фикр юритишга рағбатлантириш эканлигини эътибордан четдан қолдирмаган ҳолда уларнинг фаолиятларини баҳолаб боришнинг ҳар қандай усулидан воз кечиш мақсадга мувофиқдир (1.2.1-чизма)

“Кластер” методи

Кластер методи педагогик, дидактик стратегиянинг муайян шакли бўлиб, у ўқувчиларга ихтиёрий муаммолар хусусида эркин, очиқ ўйлаш ва шахсий фикрларни бемалол баён этиш учун шароит яратишга ёрдам беради. Мазкур метод турли хил ғоялар ўртасидаги алоқалар тўғрисида фикрлаш имкониятини берувчи тузилмани аниқлашни талаб этади. “Кластер” методи аниқ объектив йўналтирилмаган фикрлаш шакли саналади. Ундан фойдаланиш инсон мия фаолиятининг ишлаш тамойили билан боғлиқ равишда амалга оширилади. Ушбу метод муайян мавзунинг ўқувчилар томонидан чуқур ҳамда пухта ўзлаштирилгунига қадар фикрлаш фаолиятининг бир маромда бўлишини таъминлашга хизмат қилади. Стил ва стил ғоясига мувофиқ ишлаб чиқилган “Кластер” методи пухта ўйланган стратегия бўлиб, ундан ўқувчилар билан яқка тартибда ёки гуруҳ асосида ташкил этиладиган машғулотлар жараёнида фойдаланиш мумкин. Гуруҳ асосида ташкил этилаётган машғулотларда ушбу метод гуруҳ аъзолари томонидан билдирилаётган ғояларнинг мажмуи тарзида намоён бўлади. Бу эса гуруҳнинг ҳар бир аъзоси томонидан илгари сурилаётган ғояларни уйғунлаштириш ҳамда улар ўртасидаги алоқаларни топа олиш имкониятини яратади.(1.2.2-чизма)



1.2.1-чизма. “Ақлий ҳужум” методининг асосий қоидалари.



1.2. 2-чизма. “Кластер” методининг асосий қоидалари.

Кўрсатиб ўтилган замонавий таълимни ташкил этиш методларини қўллашда яхши натижаларга эришиш учун ўқитувчи режалаштирган дарсининг услубий таъминотини тўғри ташкил қилиши керак. Дарс учун аввало, интерфаол методлардан танлаши, технологик хариталар тузиши, тарқатма материаллар тайёрлаши ва улардан дарс жараёнида кенг фойдаланиши лозим. Янги педагогик технологиялар – таълим бериш ва замонавий ахборот технологияларини қўллаш ёрдамида талабаларнинг шахсий сифатларини ривожлантириш ва такомиллаштиришни берувчи ўқув воситалари бўлиб, у ўзига хос дидактик ва услубий асосга эга. Фанларни ўқитиш сифати ва самарадорлигини ошириш мақсадида, педагогик технологияларни замонавий ахборот технологиялари имкониятлари асосида уч турдаги машғулотларда, маъруза, амалий машғулот ва лаборатория машғулотларининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда мажмуа ҳолда қўллаш тавсия этилади.

1.3. Янги педагогик технологиялардан фойдаланиш самарадорлигини аниқлаш методикаси.

Давлатимиз истиқболи, бозор иқтисодиёти қонунларига асосланган жамият қуриш соҳасидаги ишларнинг самарадорлиги юқори малакали, юксак маънавиятли, ривожланган мамлакатлар даражасида рақобатбардош мутахассислар тайёрлаш, баркамол авлодни шакллантириш муаммоси билан узвий боғлиқ. Президентимиз И.А. Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилиб, Олий Мажлиснинг 1997 йил IX сессиясида қабул қилинган «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», «Таълим тўғрисидаги Қонун», Вазирлар Маҳкамасининг умумий ўрта таълим коллежларини ташкил этиш ҳақидаги ва бошқа қарорлари ана шу мақсадларни рўёбга чиқаришга қаратилгандир.

Бу ҳужжатларда кадрлар тайёрлаш ва узлуксиз таълим тизимида мустақиллик йилларида эришилган ютуқлар билан бир қаторда мавжуд камчилик ва муаммолар ҳам кўрсатилган. Жумладан: «Мактаблар ва бошқа ўқув юртларида таълим жараёнининг ўзидаги ва ўқитиш услубиётидаги камчиликлар оқибатида ўқувчиларда мустақил фикрлаш қобилияти ривожланмай қолаётганлиги; умумий ўрта таълимнинг амалий йўналганлиги, меҳнат кўникмалари шаклланиш, касбга йўналтирилганлик даражаси етарли эмаслиги, ўқувчиларнинг билиш фаолиятини бошқариш ва билим даражасини баҳолаш тизимида объективлик ва тезкорлик таъминланмаётганлиги; ўқувчилар, педагоглар ва тарбиячиларнинг каттагина қисми яхши тайёргарлик кўрмаганлиги, билим ва касб савияси пастлиги»⁵ шулар жумласидандир.

Кадрлар тайёрлаш ва таълим тизимидаги, ўқув-тарбия ишлари соҳасидаги муаммоларни изчиллик билан, босқичма-босқич ҳал этиш йўллари ва воситалари юқорида тилга олинган давлат ҳужжатларида

⁵ «Баркамол авлод -Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» Тошкент, 1997й, 36-38 бетлар.

белгилаб берилган ва улар Президентимиз И.А. Каримовнинг асарлари, нутқлари, савол-жавобларида тобора ойдинлаштирилмоқда.

Замонавий педагогик технологиялар куйидаги уч босқичдан иборат, кўплаб амалиётларни қамраб олади: лойиҳалаштириш, амалга ошириш, назорат қилиш ва баҳолаш.

1. Лойиҳалаш - мўлжалланган мақсад ва уни амалга ошириш усули ва воситалари йиғиндисини аниқлашдан иборат. Бу блок доирасида куйидаги кетма-кетликда операциялар амалга оширилади:

- таълим технологиясини амалга ошириш вақтини аниқлаш; ўқув чораги, ярим йиллиги, йиллик ва бутун ўқитиш даври учун;

- ўқув материалларини таҳлил этиш;

- мақсад ва дидактик вазифаларни ажратиб олиш;

- ўқув материалларини маълум тузилмага келтириш ва вақт бўйича тақсимлаш;

- билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштириш босқичлари, шунингдек, шахснинг сифат ва фазилатларини ривожлантиришни аниқлаб олиш;

- ўқувчиларни қизиқтириш усули ва воситаларини аниқлаш. Ўқув материалларини такрорлаш, кириш, жорий кўрсатмалар бериш, ўқувчилар диққат-эътиборини ўқув материалларининг муҳим томонларига жалб этиш мақсадида муаммоли вазиятларни юзага келтириш, қизиқарли билиш вазифалари ва шу кабиларни олдиндан белгилаб олиш. Улар олдиндан белгиланган ва мақсадга етакловчи восита сифатида қаралмоғи лозим. Бундай ёндашув таҳсил олувчига ўз ўқув - билиш фаолиятининг тузилмаси ва мазмунини тасаввур эттириш имконини беради.

Режалаштирилган натижалар ҳақида тасаввур таркиб топтириш куйидаги шаклларда расмийлаштирилади:

Билим, кўникма иш - ҳаракат усули, муҳим йўналганлик, ижтимоий муҳим шахсий сифат ва фазилатлари ва бошқа ёки кутилган натижалари ёзишмаси.

Оқилона ўқитиш модели тузилади, улар дидактик вазифаларни амалга оширишга имкон беради ва ўқитиш методлари, ташкил этиш шакллари, воситалари, педагогик усуллар тўпламидан иборат. Кўрсатиладиган қуроллар ва педагогик техник ўқув материалларига, ўқувчиларнинг шахсий қобилияти ва ривожланганлик даражасига уйғун бўлиши керак. Шунингдек, таълим муассасасининг моддий базаси ҳисобга олиниши лозим.

Дарсларнинг тузилмаси ўйлаб кўрилади ва қуйидагича амалга оширилади:

- таълим - тарбия ишининг ҳозирги ҳолатини диагностикалаш;
- назорат қилинадиган муҳим кўрсаткичларни ажратиб олиш;
- педагогик жараён ҳолатини жорий ва якуний назорат қилиш;

Ташхислаш ва назорат қилиш натижаларига асосан тесқари алоқа боғлаш усуллари ва воситаларини аниқлаш;

Таълим технологиясини амалга ошириш учун эҳтимолдан холи бўлмаган ва унга халақит берувчи омиллар ташқи муҳит ва уларни бартараф этиш йўллари ўйлаб кўрилади.

2. Таълим лойиҳасини амалга оширишда қуйидаги ишларга алоҳида эътибор қаратилади:

-ўрганилаётган мавзу бўйича мақсад, вазифалар билан ўқувчиларни олдиндан таништириш, муаммо, топшириқларни, шунингдек, уй вазифалари, мустақил ишларни, уларни бажариш тартиби, пайтини эълон қилиш, мавзунини тўлиқ ўзлаштириш бўйича кўрсатмалар бериш, эталон даражасида ўзлаштириш меъёрларини айтиб бериш;

- ўқувчиларнинг фаол, мустақил фаолиятини рағбатлантириш, болалар диққатини бўлим ёки мавзу мазмунига тортиш, уни қандай ўргатиш зарурлигини айтиб, билишга қизиқиш уйғотиш ўқиш-ўрганишга ҳавас, муаммоларни бажаришга эҳтиёж уйғотиш. Эмоциялар, тафаккур ходисалари билимларни ўқув ҳолатларига тадбиқ этиш йўллари орқали мавзу бўйича маълумотлар тўплаш, тўпланган маълумотлар юзасидан жорий назоратни

ташқил этиш, мавзуни тўлиқ ўзлаштиришга оид ўзгартириш, қўшимча, тузатишларни белгилаш;

- бўлим ёки мавзу бўйича тўпланган билимларга ишлов бериш. Таълим жараёни схематик характерга эга. Унда кутилган ва кутилмаган, режалаштирилган, фавқулудда ва тасодифий ходисалар ҳам учраб туради. Бинобарин, ўрганилган натижаларга асосланиб лойиҳага замонавий ўзгартириш, қўшимча, тузатишлар киритилади, болаларнинг эталон даражасига қанчалик яқинлашганликлари ҳам айтиб ўтилади;

- бўлим ёки мавзу бўйича умумий хулосалар чиқариш, чиқарилган хулосаларни мураккаб ўқув ҳолатларига татбиқ қилиш. Оралиқ назорат натижаларига кўра мавзу ёки бўлим бўйича ахборот тўплаш, тўпланган ахборотларга ишлов бериш жараёнларида ўқувчилар эришган ютуқларни таҳлил қилиш, ўқувчиларнинг билим, малакаси, ижодий фаолият тажрибаси, муносабатларидаги камчиликларини кўрсатиш, гуруҳнинг ҳар бир ўқувчисига якуний назоратгача бажарадиган қўшимча топшириқлар бериш, болаларни ўқув материалларини янада атрофлича эталон даражасида ўзлаштиришга рағбатлантириш;

-якуний назоратнинг асосий вазифаси ўқувчиларнинг маълумот ва таълим мазмуни элементларини эталон даражасида ўзлаштиришларини аниқлаш, эталон даражасидан паст ўзлаштирган ўқувчиларни огоҳлантириш, қўшимча топшириқлар бериш.

3.Назорат қилиш - баҳолаш блокиннинг вазифаси қўйилган мақсадни амалга оширишнинг бориши ҳақида жорий, оралиқ ва якуний назоратларни ўтказиш, яъни мунтазам равишда тесқари алоқани таъмин этиш ва ахборотга қайта ишлов беришдан иборат. Олинган ахборотни таҳлил қилиб, зарур ҳолларда келгусида ҳаракатларга ўзгартиришлар киритилади ва ниҳоят, қўйилган мақсад ва олинган натижаларнинг мослиги ҳақида хулоса чиқарилади. Ҳар қандай мақсадга эришишда вазият бевосита натижаларнинг мослиги ҳақида хулоса чиқарилади.

Ҳар қандай мақсадга эришишда вазият бевосита ўз таъсирини кўрсатади. Ташқи шарт - шароитлар: ўқув бинолари, хоналарни жиҳозлашда, техник ва бошқа воситалар билан таъминланганлик даражасида, ижтимоий муҳит ва бошқаларда ўз аксини топади.

Кўзланган мақсадни амалга ошириш жараёнида қуйидаги омиллар ўзига хос тўсиқ бўлиши ҳам мумкин:

-педагогик тизимнинг барча ташкилий элементлари ва уларнинг ўзаро алоқадорлигида уйғунликнинг мавжуд эмаслиги;

-таълим жараёни иштирокчиларининг психологик, шахсий, индивидуал ва бошқа хусусиятлари.

- таҳсил берувчининг касбий компетентлиги кабилар.

Таълим мақсадларини, баҳолаш мезонларини ҳамда таълим шароитларини такрорий ҳосил қилишдаги имкониятларидан келиб чиқиб, таълим - тарбия жараёнини тарбиявий омилларига ҳам “технологик” жараёнини кенг тадбиқ этиш мумкин. Бу жиҳатдан “педагогик технология” таълим ва тарбия ўртасидаги фарқни қисқартиради. “Педагогик технология” таълим мақсадларини аниқлаштириш ва қисмлаштириш, таълим натижаларини стандартлаштириш, таълим жараёнидаги самарали тескари алоқа, автоматлаштириш имкониятлари каби муҳим таълим муаммоларини ҳал қилиш имконини беради. Ушбу муаммони ишлаб чиқишда “педагогик технология” даги таълим тизимларини қуришдаги тажрибасини ҳисобга олиш ва танқидий таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир.

Бўлғуси мутахассисларни сифат жиҳатидан замон талаби даражасида тайёрлашга аввало уларга аниқ билимлар бериш, касбий кўникма ва малакаларни шакллантириш, уларни келгуси фаолиятларида унумли қўллашга ўргатиш орқали эришиш мумкин. Шундай экан, ўқув-тарбия жараёнини таълим назарияси фаолияти нуқтаи назаридан кўриб чиқиб, барча таълим-тарбия ишларини “педагогик технология” йўналишига ўтказиш, таълим амалиётидаги ихтиёрийлик билан унинг ҳар бир элементини жиддий асослаш лозим бўлади.

Юқорида айтиб ўтилганидек, замонавий педагогик технологияларни таълим жараёнида самарали қўллаш олиш, дарсни лойиҳалаштириш, таълим мақсадига ижобий тарзда эришиш ўқитувчининг ижодий ва ташаббускорлигига боғлиқ ҳолатдир.

II боб. Андижон банк коллежида таълим-тарбия жараёнида педагогик технологиялардан фойдаланиш ҳолати таҳлили.

2.1. Андижон банк коллежи фаолиятининг ташкилий-педагогик тавсифи.

Ўзбекистон Республикаси ўрта махсус касб-хунар таълими марказининг 2006 йил 4 октябрдаги № 219-сонли буйруғига асосан Андижон банк коллежи мақоми берилди. Андижон банк коллежи Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар “Миллий банк”нинг маблағлари ҳисобига куриб битказилди. Андижон вилояти ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси тасарруфидаги Андижон Банк коллежи 2005-2006 ўқув йилида ўз иш фаолиятини бошлаган. Коллежда бугунги кунга келиб 63 нафар педагог ходим 3 та йўналиш буйича 1099 та ўқувчиларга таълим – тарбия бериб келмоқда.

Коллежда ўқув машғулоти олиб бориш учун 33 та ўқув хоналари, 3 та лабораториялар, 2 та компютер синфи, 2та лингофон синфи, 71 ўринли ахборот ресурс маркази (6 та компютер билан жиҳозланган), 128 ўринли ошхона, спорт зали мавжуд бўлиб, улар талаб даражасида жиҳозланган. Ўқитиш кундузги шаклда олиб борилади.

2011-2012 ўқув йилида 3 та йўналиш - «Банк иши», “Молия”, “Бухгалтерия ҳисоби” мутахассисликлари бўйича ўқувчилар қабул қилинган. Коллежда 2011-2012 ўқув йилига тасдиқланган қабул режаси 510 нафар ўқувчини ташкил этган бўлиб, амалдаги қабул қилинган ўқувчилар сони 450 нафарни ташкил этади. Ушбу ўқувчиларнинг барчаси буйруқлар китобга киритилган.

2.1.1-жадвал

Мутахассисликлар ва босқичлар кесимида гуруҳлар сони ва ўқувчилар контингенти ҳамда дарсга қатнашиш давомати 2011-2012 ўқув йили

№	Мутахассисликлар	1-босқич				2-босқич			3-босқич			Жами			
		Қабул режаси	Гуруҳ номери	Журналдаги ўқувчилар сони	Амалда	Гуруҳ сони	Журналдаги ўқувчилар сони	Амалда	Гуруҳ сони	Журналдаги ўқувчилар сони	Амалда	Гуруҳлар сони	Журналдаги ўқувчилар сони	Амалда	Ўртача давомат %да
1	Банк иши	210	5	150	135	4	138	120	4	112	85	13	400	340	85
2	Молия	90	3	90	81	3	85	69	3	82	75	9	257	225	87,5
3	Бухгалтерия ҳисоби	150	5	150	131	3	86	78	3	89	81	11	325	290	86,1
	Жами	450	13	390	347	10	309	267	10	283	241	37	1099	950	86,4

Юқоридаги жадвал асосидаги маълумотга асослансак коллежда талабалар давомати ўртача 86,4% ни ташкил этмоқда. Бу албатта талабаларни дарсларга талаб даражасида қатнашмаслигидан далолат беради. Коллежда давоматнинг яхшилаш мақсадида талабаларнинг ота – оналари, маҳала фаоллари, ҳуқуқни ҳимоя қилувчи ташкилотлар билан ҳамкорлик ишлари йўлга қўйилган.

Коллежда мутахассисликлар бўйича тармоқ-таълим стандарти 2006-2008 йил билан тасдиқланган, йўналишлар бўйича 2011 йил ҳолатига намунавий ўқув режалар мавжуд. Коллежда намунавий ўқув дастурлар 2006 ҳамда 2008 йиллар билан тасдиқланган. Ўқитувчиларнинг ишчи ўқув режа, ҳамда ишчи ўқув дастурлари илмий педагогик кенгаш қарори билан 2011 йил август ҳолатига тасдиқланган. Ўқитувчиларнинг меъерий ҳужжатларининг мавжудлиги ва уларни юритилиши ўрганилди.

Коллеж директори М. Тўхтабоевнинг йиллик иш режалари мавжуд ва режага мувофиқ ишлар бажарилмоқда. Коллеж директорининг маънавий ва маърифий ишлари бўйича ўринбосари, ўқув ишлари бўйича ўринбосари ва

касбий таълим бўйича ўринбосарларнинг ва бўлим бошлиқларининг йиллик режалари мавжуд.

Коллежда давоматни яхшилаш бўйича чора –тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Дарсга турғун келмаётган ўқувчилар сони 32 нафарни ташкил этгани ҳолда, мунтазам равишда давомад масаласида иш олиб борилганлиги натижасида 15 нафари таълимга жалб этилди.

2.1.2-жадвал

3-босқич талабалари ҳақида маълумот

№	Битирувчилар сони	Шундан туман, шаҳардан қатнаб ўқийдиганлар сони
1	326	105

Битирувчиларни ишга жойлаштириш юзасидан коллежда 3 томонлама шартномалар тузилган 2010-2011 ўқув йилида битирувчилар сони 326 нафарни ташкил қилган. Шундан 281 нафари иш билан таъминланган, 11 нафари бошқа вилоятга кўчиб кетган, 26 нафари турмушга чиққан, 8 нафари ишга жойлаштирилмаган.

2.1.3-жадвал

Битирувчиларнинг иш билан таъминланганлик ҳолати (2010-2011 ўқув йил)

№	Битирувчилар сони	Иш билан таъминланганлик ҳолати	Турмушга чиққанлар	Иш билан таъминланмаганлик ҳолати
1	326	281	26	19

Коллежда ўтказиладиган барча маънавий-ахлоқий тарбия жараёнларига коллежнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Мирзаев Файзулло Мухаммадали маъсулдир. Коллежда бўлимлар, кафедралар кесимида 2011-2012 ўқув йили учун мўлжалланган маънавий-маърифий ва ахлоқий ишлар режалари ва уларни бажарилиши бўйича ҳисоботлар тасдиқланган ҳолда мавжуд. Бундан ташқари гуруҳ раҳбарлари ва фан ўқитувчиларнинг ҳам ушбу режалар асосида шахсий иш режалари

бўлиб, гуруҳлар билан ҳам индивидуал (якка) тартибда тадбирлар ташкил қилиб борилади, улар асосан коллежнинг маънавийт кунида ёки “Ахборот соат”ларида амалга оширилади. Бундай режалар ҳар ўқув йили учун тузилади ва ўқув йили давомида улардан фойдаланилиб, фаолият олиб борилади. Режадан ўқувчиларга маънавий-ахлоқий, ватанпарварлик, ҳуқуқий, ихтисослик, иқтисодий, экологик, спорт-соғломлаштириш, нафосат, демократик каби тарбия турлари бўйича амалий ишлар олиб бориш белгилаб қўйилган.

Коллежнинг ўқув йилига мулжалланган маънавий-маърифий ва ахлоқий режаси билан танишганимда, “Маънавийт кун” ва “Ахборот соатлари” ни ўтказиш тартибини ўргандик. Ҳафтанинг ҳар душанба кунида режа асосида ҳар бир гуруҳда “Ахборот соати” ва “Маънавийт кун” муносабати билан бирор-бир тадбир ўтказилади. Амалиёт ўташ даврида мен ҳам ушбу тадбирларда иштирок этдим. Масалан, “Хотира ва Қадрлаш кун” муносабати билан ўтказилган тадбирга туман ҳокимлиги вакиллари, Ватан уруши фахрийлари ва меҳнат фахрийлари, туман ҳарбий хизматга чақирув бўлими ходимлари, маҳаллада истиқомат қиладиган қария онахон ва отахонлар таклиф қилинди. Шу кунгача ўтказилган ҳар бир тадбирнинг баённомаси тартибли равишда расмийлаштирилиб борилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим Вазирлиги ўрта махсус касб-хунар таълими марказининг 2009 йили 28 апрелдаги №84-05-183-сонли қарорига асосан факультатив соатлар ҳисобидан қуйидаги мавзуларда машғулотлар ўтказилиши йўлга қўйилган:

1. Ўзбекистон буюк келажак сари
2. Диний экстеримизм ва фундаментализмнинг ижтимоий моҳияти
3. Хотира ва қадрлаш кун
4. Фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органларида тарбиявий ишларни олиб бориш
5. Соғлом турмуш тарзи асослари ва оила

6. Хоразм Маъмун академияси ва унинг дунё илм-фан тараққиётидаги ўрни.

7. Юксак маънавият - енгилмас куч

8. Истеъмомчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш;

Барча машғулотлар талабалар учун ажратилган ўқув хоналарида ёки тадбирнинг кўламига қараб мажлислар залида ўтказилади. Ташкилотчи ўқитувчининг топшириғига биноан талабалар билан ҳам юқоридаги мавзулар доирасида таълим беришнинг интерфаол усуллари - маъруза, бахс, мунозара, дебат, муаммоли топшириқ, ролли ўйинлар кабилардан фойдаланилади.

Коллежда 63 нафар умумтаълим фани ўқитувчилари фаолият кўрсатиб келмоқда. Улардан, 2 нафари фан номзодлари, 10 нафари олий тоифали ўқитувчи бўлиб, 7 нафари етакчи ўқитувчи, 12 нафари катта ўқитувчи, 32 нафари олий маълумотли ўқитувчилардир (2.1.1- диаграмма)

Коллежда педагог – ўқитувчиларининг сифат мезони
Ҳозирги кунда коллежда 63 та ўқитувчи фаолият кўрсатиб келмоқда.

Коллежда илмий салоҳият қуйидагича:


Фан номзоди 2 нафар – 4 %

Олий тоифали ўқитувчи 10 нафар – 12%

Етакчи ўқитувчи 7 нафар – 8%

Катта ўқитувчи 12 нафар – 16%

Олий маълумотли ўқитувчи 32 нафар – 60%



2.1.1- диаграмма : Ўқитувчилар таркиби таҳлили (% фоиз ҳисобида)

Ушбу тадқиқотдан кўриниб турибдики, коллеж ўқитувчиларининг деярли 60% педагогик – психологик билим ва тажрибага эҳтиёж сезади.

Шунга кўра коллеж ўқитувчиларининг услубий жаҳатдан саводхонлигини ошириш талаб этилади.

- доимо малакаларини ошириб бориши, услубий амалий семинарларда қатнашиб бориши;
- педагогик технологияларга оид билимларини кучайтириши;
- компьютер саводхонлигини ва ахборот технологияларидан боҳабар бўлиши;
- доимо маънавий ва сиёсий воқеликлардан ҳабардор бўлиши, дарс жараёнида талабаларни маънавий шаклланишида ўрناк бўлиши;
- таълим-тирбияга оид чиқарилаётган қонун ва қарорларни, Президентимиз фармонлари ва асарларидан фойдалана олиш маҳоратларини шакллантириб бориши илмий тадқиқотнинг янгилиги ҳисобланади.

Таълим муассасасида милицехлар мавжуд эмас. Бюджетдан ташқари маблағ топиш ишлари йўлга қўйилмаган.

Коллежда ТНФ миллий банк, Ипотека банк, ОАТБ Агро банк, ОАТБ Турон банк, Андижон шаҳар молия бўлими, Андижон машинасозлик институти, АДУлари билан ўзаро шериклик (хамкорлик) алоқалари ўрнатилган ва шартномалар имзоланган.

Коллежда ишлаб чиқариш ва диплом олди амалиётлари Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 11 февралдаги 40-сонли қарори билан тасдиқланган. «Касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари томонидан корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда ишлаб чиқиш амалиётини ўташ тартиби тўғрисида»ги Низом талаблари асосида ташкил этилган.

Ишлаб чиқариш ва диплом олди амалиётлари мутахассисликларга мос ҳолда тижорат банкларида, молия бўлимларида, кредит уюшмаларида, корхона ва ташкилотларда ўтказилмоқда.

Ишлаб чиқариш ва диплом олди амалиётларини ўтказиш жадвали ишлаб чиқилган, амалиётлар шу жадвал асосида ташкил этилган.

2010 йилда ўтказилган ишлаб чиқариш ва диплом олди амалиётларида 326 нафар талаба иштирок этган. Бу талабаларнинг ҳисоботи, кундаликлари, касбий-амалий имтихон ва диплом ишлари низом талаблари асосида расмийлаштирилган.

Коллежда 7 та кафедра фаолият кўрсатади:

- умумтаълим фанлар кафедраси;
- умумкасбий фанлар кафедраси;
- жисмоний тарбия кафедраси;
- ижтимоий фанлар кафедраси;
- бухгалтерия ҳисоби ва аудит кафедраси;
- молия кафедраси;
- банк иши кафедраси.

Мавжуд ўз хусусиятидан келиб чиққан ҳолда фаолият олиб борилади.

Коллежнинг умумий ер майдони 5.4 гектарни ташкил қилиб, шундан боғ ва гулзорлар 0.8 гектарни ташкил этади.

Коллежда ахборот ресурс маркази мавжуд бўлиб унинг умумий фонди 14.2 минг донани ташкил қилади. Шундан янги авлод адабиётлари умумтаълим фанлар дарсликлари 2015 дона, касбий фанлар ўқув адабиётлари 1290 дона, махсус фан дарсликлари 905 дона, бадиий адабиётлар 1387 дона, сиёсий адабиётлар 165 донадан иборат. АРМда 6 та компютер мавжуд,

улардан 1таси интернетга уланган. Тахлили шуни кўрсатмоқдаки, коллеж бўйича талабаларни ўқув адабиётлар билан таъминланиши ҳар 6 нафар талабага 1 та ўқув адабиёти ҳисобланганда 100 % дан ортиқни ташкил этмоқда. Бу эса талабалар ўқув адабиётлар билан 100% таъминланганлигини кўрсатмоқда. Бундан ташқари 16 хилдаги газета ва 20 хилдаги журналлар мавжуд. 2011 йилда коллеж АРМга 2000000 сўмлик янги дарсликлар сотиб олинди, 27 дан ортиқ электрон дарсликлар 4 дона компьютер олиб келинди.

Коллежда ўқитувчиларни малака ва маҳоратига эътибор кучайтирилган, охириги 3 йилда жами 36 нафар ўқитувчилар қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказларида ўқишиб қайтишган. Тахлил натижасига кўра 12 нафар ўқитувчи мутахассислиги бўйича қайта тайёрловга эҳтиёжи мавжуд.

Коллежда ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида 25 та умумтаълим фан тўғарақлари ва 15 та умумкасбий фан тўғарақлари ташкил қилинган. Умумтаълим фан тўғарақларида 375 нафар, умумкасбий фан тўғарақларида 220 нафар жами 595 нафар талабалар тўғарақларга қатнашиб касбий кўникмаларини такомиллаштирмоқдалар. 7 та спорт турлари бўйича тўғарақлар ташкил қилинган, бунда 185 нафар талаба қатнашиб ўзларини жисмонан тайёргарликларини оширишмоқдалар.

Тўғарақ фаолияти натижаларига кўра охириги уч йилда коллеж талабалари фан олимпиадаларида қатнашиб, фахрий ўринларни эгаллаб келишмоқда. Талаба Маматалиев Шохрух иқтисодий фанлардан фан олимпиадасини вилоят босқичида фахрли 3-ўринни эгаллаган. Спорт мусобақаларида ҳам коллеж талабалари муносиб қатнашиб келмоқда.

Коллежда талабаларни ота-оналари билан доимий алоқада бўлишиб ота-оналар йиғилишлари ўтказиб борилади. Мунтазам ўқув машғулотларига қатнашмай келаётган талабаларга нисбатан кескин чора кўриб борилмоқда. Синф хоналарининг барчаси лойиҳа қуввати бўйича етарли стол ва стуллар (парталар) доскалар ҳамда турли ҳил жиҳозлар билан таъминланган.

Коллежда таълим-тарбия жараёнида янги таълим технологияларидан фойдаланишга алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Таълим технологияларига асосланган фанлардан ўқув-услугий мажмуалар тайёрлаш, таълим технологияларини яратиш ишлари амалга оширилмоқда. Илғор ўқитувчилар томонидан интерфаол усуллардан фойдаланиб дарслар ўтиломоқда. Коллеж миқёсида тўла таълим технологияларига асосланган дарслар ташкил этилган дейишдан йироқдамиз.

Коллежда доимий равишда методик жиҳатдан амалий анжуманлар ўтказиб борилиши ва ҳар бир ўқитувчининг педагогик-психологик ва касбий маҳоратлари бўйича коллежнинг ички назорати томонидан мониторинг жадвали ишлаб борилади ва ҳар чоракда ўқитувчиларни директор фондидан моддий рағбатлантириб борилади. Ушбу 2011-2012 ўқув йили жараёнида 12-нафар иқтисодий фан ўқитувчилари 15% ли устамага эгадирлар. Бундай олиб борилаётган методик ишлар ўқитувчиларни ўз устиларида тинимсиз изланишларига олиб келади.

2.2. Андижон банк коллежида таълимда янги педагогик технологияларни қўлланилиш ҳолати таҳлили.

Биз тадқиқот ишимизни Андижон банк коллежида ўташимиз давомида мавзудан келиб чиққан ҳолда коллежда ўқув жараёнида замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш ҳолатини ўрганиб бордик. Коллеждан тайинланган раҳбари тавсиясига асосан коллежда ўз дарсларида замонавий педагогик технологияларни қўллаб яхши натижаларга эришаётган ўқитувчилар машғулотларига кирдик ва дарсларни кузатдик.

Биз битирув олди амалиёти даврида ўқитувчилар томонидан қуйидаги интерфаол дарс методлари қўлланган дарсларни кузатдик.

1. Фикрлар ҳужуми (ақлий ҳужум)
2. Кластер технологияси.
3. Бумеранг технологияси.
4. «Иқтисодчи» технологияси
5. Веер (елпиғич) технологияси.

6.«Иқтисодчи-раҳбар» технологияси кабилан коллежнинг иқтисодчи – педагоглари дарсларида муваффақият билан қўлланилади. .

Масалан «Ўз-ўзини бошқариш», ёки «Раҳбарнинг ташкилий қобилиятлари», «Замонавий тадбиркор шахси» деган мавзулар якунида биз «Иқтисодчи-раҳбар» деган замонавий усулдан фойдаланамиз. Ҳар бир талабага варақлар тарқатилади, уларда - «Мен фирма директори», ёки «Мен ректор», «Мен тадбиркор», «Сиз банкир» ва ишларга яқин мазмундаги савол-ҳаракатлар ёзилган. Ҳар бир талаба ўзига тушган фаолиятни таърифлаб беради, мазмунини очиб беради, қандай кийинишигача гапириб беради. Жавоб берувчи талабага саволлар 5-7 ошмаслиги шарт. Охирида таҳлил қилинган образининг иш мазмуни шароитлари, ҳаракатлари мавжуд бўлади.

Бу ўйин-усул талабаларни ижодий, мустақил, образли фикрлашга ўргатади. Иш режасини тузиш, танқидий фикрлаш қобилиятларини ривожлантиради.

Пресс-экспресс услубиёти асосида ташкил этилувчи ўйинлар талабаларнинг билимларини мустаҳкамлашга ёрдам бериш билан бирга уларни ҳозиржавобликка ўргатади. Бунинг учун ўқитувчи томонидан маълум мавзуга бағишланган ва қисқа жавоб талаб этувчи 10-15 та савол тузилиши лозим. Ҳар бир жавоб учун 2-3 сония ажратилади. Яъни талабалардан қисқа вақт ичида оғзаки жавоб бериш талаб этилади. Бу жараёнда талаба ўз билган ахборот ичидан керакли жавобни тез топишни ўрганади.

Ақлий ҳужум методикасининг моҳияти ҳам ўзига хос хусусиятга эга. Бунда берилган қисқа вақт ичида маълум муаммонинг ечимини топишга қаратилгандир. Бу психотехник ўйин дарс жараёнида ижодий ва ноандоза фикрлашни уйғотади. Битта ёки бир неча гуруҳ ташкил этилади ва улар олдига муаммо қўйилади. Талабалар ўз олдига қўйилган муаммони ечиш учун турли ғояларни илгари сурадилар. Ечим вариантлари қанча кўп бўлса, танлаш жараёни шунчалик осон бўлади. Ҳар бир илгари сурилган ғояни атрофлича кўриб, кенгайтирилади ва улар орасидан энг тўғри ғояни муаммонинг ечими сифатида қабул қилинади. Муаммони ечиш вақти

олдиндан белгилаб олинади ва унга қатъий амал қилинади. «Ақлий хужум» ўйини қийин вазиятлардан қутилиш чорасини тез топишга, муаммони кўра билиш чегараларини кенгайтиришга, фикрлаш бир хиллигини йўқотишга ва кенг доирада тафаккур юритишга имкон беради. Бундан ташқари гуруҳдаги муносабатлар ўзгаради. Курашиш кайфиятидан ижодий ҳамкорлик кайфиятига ўтилади ва гуруҳ янада жипслашади.

Коллежда иқтисодчи – педагоглар Э. Боротбоева “Банк иши”, Р. Юсупова “Бухгалтерия ҳисоби”, М. Тўхтабоев “Банк иши” фанларидан ўз дарсларида замонавий педагогик технологияларни муваффақиятли қўллаётганликлари маълум бўлди. Бу ўқитувчилар коллежнинг 10 йилдан кўп педагогик стажга эга маҳоратли педагоглари ҳисобланиб, олиб бораётган ўқув-тарбиявий ишлари коллеж услубий Кенгаши томонидан оммалаштиришга тавсия қилинган.

Андижон Банк коллежида ўқитувчилар томонидан қўлланилиб келаётган технологияларнинг мониторингини ишлаб чиқдик. (2.2.1-жадвалга қаранг)

Ўтказилган тадқиқот жараёнида қуйидагиларни умумлаштирамиз.

Ўқитувчиларнинг ноанъанавий усуллардан фойдаланиш ҳолати фоиз (%) кўрсаткичи ҳисобида олинган.

Дарсда касбга йўналтириш-20%

Ўйлаб топ (эврика дарси)-25 %

Бахс-мунозара дарси-25%

Конференция дарси-15%

Тажриба дарси- 15%

**Андижон Банк коллежида педагогик технологиялардан фойдаланиш
мониторинги.⁴**

Ноанъанавий усул турлари	Ноанъанавий усул эгаллаш йўллари	Ноанъанавий усул жараёнлари	Фоиз ҳисобида (%)
Дарсда касбга йўналтириш	Ўқиш	Таълим-тарбия жараёни	20%
Ўйлаб топ (эврика) дарси	Англаш	Дарс жараёни	25%
Баҳс-мунозара дарси	Таълим олувчиларнинг нутқини ривожлантириш	Мулоқот жараёнида	25%
Конференция дарси	Олдиндан кўра олиш	Тадбирлар уюштириш жараёнида	15%
Тажриба дарсларини ўтиши	Ўзаро алоқадорлик	Ўқитувчи-ўқувчи	15%

Юқоридаги таҳлил натижасида, Андижон Банк коллежида таълим самарадорлигини ошириш учун қуйидаги тавсиялар ишлаб чиқилган:

- ёш ўқитувчилар дарс жараёнида мақсадини ва ноанъанавий дарс усулларини тўғри танлай билиш;
- ноанъанавий усулларни танлашда ўқувчиларнинг ёш психологик хусусиятларини ҳисобга олиш;
- замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиб дарсни ташкил этиш;
- таълим воситаларидан оқилона фойдаланиш эришиш;
- коллежда таълим жараёнида Қонун ва Қарорлар, Президентимиз асарларини системали равишда ўрганиб борилишини таъминлаш;
- дарс жараёнида талабаларни мустақил фикрлашларини таҳлил қила олиши ва бошқалар.

⁴ Манбаа .Тадқиқот натижалари.

Юқоридаги таҳлил натижалари асосида ишлаб чиқилган тавсияларни Андижон Банк коллежи таълим жараёнига тадбиқ этилса, ишончимиз комилки, коллежда таълим-тарбия фаолияти самарадорлиги ортиб бориши таъминланади.

Кузатишлардан шу ҳам маълум бўлдики, коллеж ўқитувчиларидан айримлари ҳали ҳамон анъанавий дарс ўтиш методлари билан машғулотлар олиб боришади. Таълим жараёнига замонавий ўқитиш усуллари олиб кириш жараёни кетаётган ҳозирги пайтда бу ҳолатни бартараф этилиши ўқув жараёнининг самарадорлигини оширади. Айтиб ўтилганидек, дарс ўтишнинг анъанавий усулларидан воз кечиш эмас, уларни такомиллаштирган ва лойиҳалаштирган ҳолатда таълим жараёнига замонавийдан олиб кириш керак. Бу жараён эса ўқитувчидан тинмай ўз устида ишлашни, ўзининг педагогик маҳоратини ошириб боришини тақозо этади. Умуман олганда, коллежда замонавий педагогик технологияларни таълим жараёнига олиб кириш юзасидан амалий ишлар олиб борилмоқда. Асосийси коллежнинг моддий-техника базасини янада яхшилаш, ўқитувчилар малака ошириш ва қайта тайёрлаш ишларини тизимли равишда олиб бориш, коллеждаги ҳаракатдаги малака ошириш бўлимининг ишини маъсулиятли, маҳоратли педагогларга топшириш ва шу каби амалий ишлар қилинмоқда.

Коллежда талабаларнинг иқтисодий қизиқишларини ривожлантириб бориш учун шундай технологиялардан фойдаланиш самара бермоқда.

2.3. Андижон банк коллежида иқтисодий фанларни ўқитишда педагогик технологиялардан фойдаланиш ҳолати

Ҳозирги кунда коллежида “Тадбиркорлик асослари” фанини интерфаол усуллар асосида ўқитилишига тўхталиб ўтадиган бўлсам, Мамажонова Назира опани дарс ўтиш жараёнига ташриф буюрдик ва дарс ўтиш техника ва технологияси билан танишиб чиқдик.

Ўқитувчи - Мамажонова Назира “Тадбиркорлик асослари” фанидан “Молия” йўналишининг 2 босқич 65 гуруҳида “Тадбиркорлик фаолияти. Тадбиркорлик капитали ва унинг айланиши” мавзуси бўйича маъруза дарс ташкил этди

Журнал бўйича талабалар - 30 та

Улардан дарсга қатнашди – 26та

Дарс тахлилидан кўзланган мақсад: Замонавий методларни ўрганиш ва педагогик маҳоратни шакллантириб бориш

Ўқув хонасининг дарсга тайёргарлик ҳолати - яхши

Ўқув жараёнига оид ҳужжатлар

Намунавий фан дастурига асосан ишчи дастур тузилган

Календар тематик иш режа , рейтинг режа мавжуд, мавжуд адабиётлар мониторинги кўрсатилмаган, дарснинг маъруза матни мавжуд хаттоки талабаларда ҳам бор, семинар машғулот йўриқномалари бор, фойдаланилган техника воситалари ва дарс жиҳозларидан кодоскоп , барнер ва тестлар тақдим этилган. Гуруҳ журнали юритилган

Дарснинг ташкилий қисми: Саломлашди.

Навбатчи рапорти эшитилди.

Куннинг муҳим янгиликлари билан таништирилди.

Дарсга тайёргарлигини назорат қилди.

Унга сарфланган вақт – 6 дақиқа

Дарснинг бориши (Илова – 2.2.3-1)

Ушбу дарсни ташкил этишда ўқитувчи дарсни кўргазмали ташкил этди. Дарс жараёнида “Бумеранг” технологиясидан самарали фойдаланганлиги учун 21-нафар талабаларни баҳолашга эришди. Улардан 6- нафари 0.3 балл, 5-нафари 0.2 балл, 3-нафари 0.1 балл билан рағбатлантирилди. 3-нафар талаба “дарснинг энг фаол ва зийрак талаба” номинацияси сертификатиغا эга бўлдилар. Талабалар дарс жараёнида фаол иштироки 80% ни ташкил этди. 9 нафар талабалар суст иштирок этди. Ушбу талабаларни мустақил ишлашига кам аҳамият қаратилди.

Тахлилдан келиб чиққан ҳолда қуйидаги хулосага келдик.

Ўқитувчи томонидан ташкил этилган дарс мақсадига эришилди аммо 9-нафар талабани ҳам иштироки жадаллаштириш учун янги технологияларни жорий этиб дарс самарасига эришиш керак.

Яна бир ўқитувчининг фаолиятини тахлил қиладиган бўлсак ўқитувчи Мирзарахимова Муаззам опа раҳбарлик қиладиган “Молия” йўналиши 1-босқич 91-гуруҳ фаолияти билан танишдим. Гуруҳда 32 нафар талабалар мавжуд бўлиб, улардан иқтидорлилари 12 нафар, сушт ҳаракат қиладиганлар 5 нафар, ўртача талабалар 15 нафарни ташкил этади. Гуруҳлардаги талабаларни хусусиятларини ўрганиш учун коллеждаги бир қанча гуруҳларга дарсни тахлил қилиш мақсадида кирдим. Тахлил жараёнида гуруҳдаги талабаларни фанга бўлган қизиқишларини, дарсга қатнашишлари, мавзунини ўзлаштириш даражалари, дарсдаги ҳулқи кабиларни ўргандим ва тахлил қилдим.

Менга бириктирган гуруҳни хусусиятларини ўрганишимда, олган билимларимга таяниб бириктирилган гуруҳга ва бошқа гуруҳларнинг дарсларига кирдим. Дарс жараёнида мавзунини ёритишда фаннинг маърузалар матни ва ўзим тайёрлаган слайд ва тарқатма материаллардан фойдаландим. Дарсларнинг бирида “Иқтисодчи”, “Иқтисодчи - раҳбар”, “Ақлий ҳужум” технологияларидан фойдаландим. Дарс бериш давомида талабаларни билимларини тахлил қилдим. Мавзунини ёритишда талабаларни фикрларини ўргандим. Улар билан мулоқотда бўлдим. Гуруҳдаги талабаларни дарсдаги фаолияти 100 фоиз эмас. Айримлари жуда ҳам тиришқоқ, қизиқиши жуда яхши, фикрлаш доиралари кенгроқ, айримлари эса дарсларга қатнашишлари сушт. Сушт талабалар билан гуруҳ раҳбари дарсдан ташқари пайтда мулоқот олиб борди. Айрим талабаларни фаолиятини сунъийлигига асосий сабаблардан бири нутқнинг ривожланиши ҳисобланади. Талабаларни нутқини, тафаккурини ривожлантиришга оид маслаҳатлар берилди. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак талабалар билан ишлаш ва педагогик фаолиятни олиб боришда замон талабларига мос билимли, юксак салоҳият

эгаси бўлиш, дунёда ва республикамизда содир этилаётган воқелик ва янгиликлардан хабардор бўлишни тақаззо қилар экан.

Келгусида тахлиллардан хулоса чиқариб педагогик фаолиятимизда аҳамият қаратишимиз лозим.

III боб. Андижон банк коллежида замонавий педагогик технологиялардан фойдаланишни такомиллаштириш.

3.1. Андижон банк коллежи таълимида инновацион усул ва воситалардан фойдаланишни ривожлантириш йўллари.

Андижон банк коллежи таълимида инновацион педагогик технологияларни қўллаб таълим жараёнини самарали ташкил этишида педагогик мақсадга эришишни кафолатловчи, олдиндан лойиҳаланган ўқув-тарбия жараёнини маълум кетма-кетликда амалиётга татбиқ этувчи тизимни жарий этишга қаратилган ва у ўқитувчи томонидан қўйилган аниқ вазибаларни ечиш, ўқув-тарбия жараёни самарадорлигини ошириш ва унинг юқори даражасини таъминлашни кафолатлайди. Шу асосда Андижон банк коллежи таълимида турли хилдаги педагогик фаолиятни ташкил қилишда маҳорат ва ижодкорлик даражасидаги интерактив технологиялардан фойдаланилади.

Масалан, гуманитар йўналишда ишлаб чиқилган технология илмий асосланган тарбия воситаси, шакл ва методлар тизимини назарда тутди ва талабаларни умуминсоний, маданий қадриятларни билиш, шахс сифатларини шакллантириш, шу мақсадда педагог ва талабалар ўртасида инсоний алоқаларнинг тарбиявий муҳитини ташкил қилишни таъминлайди. Бу эса педагогдан ижодкор шахс бўлиш, ўз иши ва талабаларни севиш, ўз устида ишлаш, маҳоратини ошириш ва технологияларни ривожлантиришни талаб этади.

Коллежда инновацион педагогик технологияларни ўқув-тарбия жараёнини ташкил қилиш усулларини қўйилган мақсадга эришишда педагогнинг аниқ фаолиятига боғлиқ бўлган ҳаракатлар, операциялар кетма-кетлигининг йиғиндиси кузатилди бу эса технологик занжирдир. Технологик занжир деганда, тарбиявий ишларнинг турли шакллари орқали дарсни ташкил этишга тайёрланишда педагог, гуруҳ раҳбари фаолиятларининг кетма-кетликдаги ҳаракатлари алгоритми тизими тушунилади.

Умумий ҳолда эса талабалар ва ўқув-тарбия жараёнининг ҳолатини ўрганиш, ташхисий мақсад ва вазифаларни қўйиш, истиқболларни аниқлаш, натижаларни олдиндан кўра билиш, режалаштириш, ташкилий фаолият ва вазифаларни амалга ошириш, педагогик таҳлил ва навбатдаги ҳаракатлар кетма-кетлиги дастурини ишлаб чиқишдан иборат.

Ҳозирги кунда коллежда кўплаб турдаги технологиялар мавжуд: умумпедагогик, ўргатувчи, тарбиявий, ривожлантирувчи, компьютерли, ўйинли, жамоанинг ижодий фаолият технологиялари, ўзаро алоқа ва бошқалар.

Коллежда асосан ўйинли фаолият технологияларидан фойдаланиш кенг йўлга қўйилган, ўтказиш ва умумий жараён моҳиятини таҳлил этиш ташкил қилади. Ҳар бир бўғин бош бўғиннинг бир қисми сифатида педагог ва талабалар иштирокида муайян бир ўйинни ўтказиш юзасидан тайёргарлик кўриш, уни ўтказиш ва ўйин натижаларини таҳлил қилиш босқичларини ўз ичига олади. Масалан, ўйинни ташкил этишга тайёрланиш босқичи – ўйин тури ёки шаклини танлаш, мақсадни аниқлаш ва уни ўтказиш дастурини ўз ичига олади. Ўйинни ташкил этиш – бу ишлаб чиқилган дастурни амалий фаолиятга ўтказиш, ҳар бир ўйин иштирокчисининг вазифаларини аниқлашдан иборат. Сўнгра қоида ва атрибутларни инобатга олган ҳолда ўйин ташкил этилади. Ўйин натижаларини жамоа иштирокида таҳлил қилиш ва ҳар бир қатнашчининг ҳаракатига реал, ҳаққоний баҳо бериш каби фаолият энг сўнгги босқичда амалга оширилади.

Жамоанинг ижодий фаолият технологиясини қуйидаги ўзаро боғлиқ олти босқичга бўлиш мумкин:

- 1 – педагогларнинг олдиндан бажарадиган ишлари;
- 2 – жамоавий фаолиятни режалаштириш;
- 3 – жамоа бўлиб фаолиятни ташкил этишга тайёрланиш;
- 4 – жамоанинг ижодий фаолиятини уюштириш;
- 5 – жамоа иштирокида фаолият натижаларини таҳлил қилиш;
- 6 – навбатдаги фаолиятни режалаштириш.

Ҳар бир босқич ёки талабанинг ҳамкорликдаги ҳаракатлари алгоритмини ўз ичига олади, ушбу ҳолат олдинга қўйилган мақсадга эришишни таъминлайди. Масалан, олдиндан қилинадиган ишлар босқичига қуйидаги ҳаракат тартиби киради:

- вазифани қўйиш;
- иш вариантларини ишлаб чиқиш;
- жамоа асосидаги ижодий фаолиятини ташкил этиш;
- истиқболдаги вазифаларнинг муҳокамасини ўтказиш.

Ҳозирги кунда коллежда педагогик жамоаси ўқув-тарбия жараёнини ташкил қилишда ўзларининг тарбиявий тизимларини ишлаб чиқилган концепция, таълим муассасаларини ривожлантириш бўйича муаллифлик дастурлари, педагогик фаолиятни ташкил қилиш лойиҳаларига асосланган ҳолда фаолият олиб бормоқдалар.

Коллежда асосан технологияларни ишлаб чиқиш, қоида бўйича бирон-бир назарий концепцияга асосланган замонавий технологияларни лойиҳалаш – қийин жараён бўлиб, концептуал, методик, операцияли, аналитик, назорат, баҳолаш, натижавийликда педагогик технологиянинг тизимли-ташкилий воситаларини аниқлаш муаммоси юзага келди. Замонавий педагогик технологиянинг ишлаб чиқиш ва ўзлаштириш педагог шахси, унинг маҳорати, ижодкорлигига қўйиладиган аниқ шартларга риоя қилиш учун қуйидаги таклиқларни киритишимиз мумкин. Булар:

- ахборот технологияларини ўрнатиш;
- мавжуд технологик ресурсларни таҳлил қилиш;
- фаолиятни лойиҳалаш кўникмаси;
- мақсадни тақсимлаш;
- фаолиятни ташкил ва таҳлил қилиш;
- рефлексия орқали ўз тажрибасини ўзлаштириш кўникмаси;
- уни технологик шаклда билдириш;
- технологиянинг эскирганлигини аниқлаш ва уни замонавийлаш кўникмаси.

Педагогнинг предметли-технологик савияси таълим-тарбия мазмунини ўзлаштирганлиги, самарали педагогик технологиялар (анъанавий ва замонавий)ни, яъни педагогик замонавийликларни қабул қилиш, самарали педагогик технологиялар бўйича илмий изланишлар олиб бориш ва уларнинг натижаларини амалиётда қўллай билиши билан белгиланади.

Буларнинг ҳаммаси педагогда юқори даражадаги маҳоратни талаб қилади.

Бугунги кунда коллежда ўз ишининг устаси – педагоглар фаолият олиб бормоқдалар: йил ўқитувчиси, тажриба олиб боровчи педагоглар, илмий изланувчи, ижодкор педагоглар ва бошқалар. Булар юқори малакали, маданиятли, муаллифлик дастурларини ишлаб чиққан альтернатив педагогик технологияларни биладиган, индивидуал иш услубига эга, ўзининг ижодий салоҳиятини тўлиқ намойиш эта олувчи, натижада таълим, тарбия ва талаба шахсини ривожлантиришда юқори натижаларга эришаётган мутахассислардир.

Коллежда ҳар бир педагог ўзининг касбий маҳоратини ўстиришга ҳаракат қилиши керак. Таълимда педагогнинг педагогик психологик билими кўйидаги усул ва воситалардан фойдаланишини ривожлантириш учун кўйидагиларни амалга оширишни эслатиб ўтмоқчимиз.

1. Педагогнинг ижодкорлиги, таълим бериш санъати, инсон тарбияси ва ривожланишининг такомиллаштиришда кўринади. Педагогик ижодкорлик педагогик фаолиятнинг ҳолати сифатида қаралиб, илмий-амалий муаммоларни ечиш, ўқув-тарбия жараёнини ташкил қилиш ва мазмунан замонавий яратувчиликда кўринади.

2. Аввало педагог шахси ва унинг мажмуавий сифатлари билан боғлиқ бўлиб, касбий фаолиятини юқори даражада амалга оширилишини таъминлайди.

3. Педагог юқори умумий маданий инсонийликка йўналтирилган, касбий билим ва кўникма, ижодкорлик ва педагогик қобилият ташкил этиши.

Педагогнинг умумий маданияти – нафақат педагогик маҳорат компоненти, балки ўзига хос механизми бўлиб, унинг асосида педагогнинг касбий муҳим сифатлари ривожланади. Педагог маданияти - бу педагогик фаолият воситаси, педагогик ижодкорлик шарт ва педагогик маҳорат асоси. Педагог ўзининг касбий фаолиятида ўз шахсининг потенциал имкониятларига таянади, умумий маданиятини такомиллаштириш эса унга ижодкорлик ва педагогик маҳоратини ўстиришга ёрдам беради.

4. Педагог шахсининг инсонпарварликка йўналтирилганлиги – бу унинг қизиқиши, қадриятлари ва идеали. Ҳар бир педагог инсонпарвар бўлиши, шахсни ер юзидаги энг бебаҳо мавжудот сифатида қабул қилиши, ўз педагогик фаолиятида талаба шахсининг муҳимлигини тан олиши, талабалар билан ўзаро алоқасини муҳаббат ва ҳурмат асосига қуриши керак.

5. Педагог ва талабанинг ўзаро алоқасини инсонпарварлик ғояларига асосланишини педагог касбий маҳоратининг кўрсаткичи сифатида қабул қилиш лозим.

6. Педагогик маҳоратнинг муҳим қисми касбий билим ва кўникмадир. Бу, аввало, фалсафий, психологик-педагогик, ижтимоий, махсус ва қўшимча билимлардир. Педагогнинг касбий билими ҳамма даражада (методологик, ахборотли-мазмунли, методик, технологик, ижодкорлик) шаклланади ва педагогик тафаккур ва фикрлаш учун база ҳисобланади, психологик-педагогик тафаккури эса педагогнинг муваффақиятли ишлаши омилидир.

7. Педагогнинг фаолиятида касбий қобилияти алоҳида аҳамиятга эга. Тадқиқотчи олимлар уларнинг қуйидаги етакчи касбий қобилиятларини қайд этадилар: прецептив (касбий ўтқир, кузатувчи), эмоционал (сезиш қобилияти, ўзини бошқара олиш), прогностик (истикболни белгилай олиш), креатив ва импровизация (ижодкорлик қобилияти), интуиция (олдиндан кўра билиш).

8. Технологиявийлик педагогик маҳоратга бошқача сифат, мазмун бағишлайди – маҳорат ўзлаштириш, масалан, педагогик (ташхисли, ахборотли, ижтимоий, ўйинли, дидактик) технология, лойиҳалаш, суҳбатни ташкил этиш ва бошқалар педагогик технологияни ўзлаштириш педагогик

маҳоратни оширади. Шундай ҳол бўлиши ҳам мумкинки, ўртача қобилият билан педагог-мастер(уста) ҳам бўлиши мумкин.

Педагогнинг педагогик маҳорати даражаси унинг технологик компотентлигига боғлиқ бўлиб, қуйидаги асосий мезонлар асосида аниқланади:

- 1) мақсадлилиги (йўналиши бўйича);
- 2) ижодкорлик (фаолият мазмуни бўйича);
- 3) технологиявийлик (педагогик техника даражаси бўйича);
- 4) оптималлиги (самарали воситаларни танлаш бўйича);
- 5) маҳсулдорлиги (натижа бўйича).

Педагог технологияни қанча яхши ўзлаштира, демак, унинг педагогик маҳорати шунча юқори бўлади.

Бўлғуси педагогнинг педагогик маҳоратини ошириш босқичида педагогик маданияти ва инсонпарварлик йўналишини шакллантириш керак бўлган билим ва кўникмасини эгаллаш, қобилиятини ўстириш ва педагогик техникани ўзлаштириш ниҳоятда муҳимдир.

Педагогларнинг касбий маҳоратларини оширишнинг замонавий педагогик технологияларини ишлаб чиқиш бир қадар мураккаб жараён бўлиб, мазкур жараёнда мутахассислик йўналишлари ҳамда уларнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиш тақозо этилади. Тадқиқот ишини олиб бориш жараёнида педагоглар маҳоратларини оширишнинг замонавий педагогик технологияларини ишлаб чиқиш ва уларни ўқув-тарбия жараёнига тадбиқ этиш муаммолари қуйидагилардан иборат эканлиги аниқланди:-

1. Педагогик технология назарияси ва унинг асослари борасида маълумотлар бера олувчи манбаларнинг етарли эмаслиги;
2. Мавжуд манбаларда хусусий фанлар, шунингдек, муайян таълим муассасаларининг фаолият йўналишларига ҳамда хусусиятларига мувофиқ уларнинг фаолиятига замонавий педагогик технологияларни тадбиқ этиш механизмнинг ишлаб чиқилмаганлиги.

3. Замонавий педагогик технологияларни таълим тизимида ўқув-тарбия жараёнига тадбиқ этиш йўлида амалга оширилган тадқиқотлар натижаларининг яхлит ҳолда таҳлил этилмаганлиги;
4. Бу борада қўлга киритилган тажрибаларнинг оммалаштирилиши борасида сусткашликнинг мавжудлиги.
5. Таълим муассасалари, шу жумладан, ўрта махсус таълим муассасаларида фаолият юритаётган педагогларнинг замонавий педагогик технология асосларини пухта ўзлаштирмаганликлари ҳамда ўз фаолиятларида улардан самарали фойдаланиш малакаси (тажрибаси)га эга эмасликлари.
6. Педагог ходимларни тайёрлаш жараёнини технологиялаштириш борасида кенг қўлланми амалий ҳаракатнинг ташкил этилмаганлиги.

Қайд этиб ўтилган муаммоларнинг бартараф этилиши етук мутахассисларни тайёрлаш, шунингдек, бўлғуси педагогларда умуммехнат ва касбий малакаларни такомиллаштиришга имкон яратган бўлар эди.

Юксак маҳоратли ўқитувчи учун энг аввало қобилиятли, малакали ва уддабурон бўлиши керак. Қобилият фаолият жараёнида пайдо бўлади ва ривожланади. Қобилият малака ва уддабуронликдан фарқ қилади. Малака ва уддабуронлик машқ, ўқиш натижаси ҳисобланса, қобилиятнинг ривожланишида истеъдоднинг ўрни беқиёсдир. Ана шундагина қобилият деб аталувчи руҳий хусусияти тараккий этади. Педагогик фаолиятнинг самарали бўлиши учун ўқитувчида қобилиятнинг қуйидаги турлари мавжуд бўлиши лозим. Билим қобилияти, тушунтира олиш қобилияти, кузатувчанлик қобилияти, нутқ қобилияти, ташкилотчилик қобилияти, обрў орттира олиш қобилияти, келажакни кўра билиш қобилияти, диққатни тақсимлай олиш қобилияти ва ҳ.к.

Маҳоратли ўқитувчи талабалар руҳиятини, билим ва камолот даражасини ҳисобга олади. Баъзи ўқитувчиларга ўқув материали оддий,

тушунарли ва қандайдир алоҳида изоҳни талаб этмайдигандек туюлади. Бундай ўқитувчилар талабаларни эмас, балки ўзларни назарда тутадилар. Қобилиятли, тажрибали ўқитувчи ўзини талабанинг ўрнига қўя олади. У фаннинг илмий-назарий асосларини талабаларга тушунтириш мақсадида иш тутади. Шунинг учун у баён этишнинг характер ва шаклини алоҳида ўйлаб чиқади.

Маҳоратли ўқитувчи дарс материални баён этиш жараёнида талабаларнинг қандай ўзлаштираётганларини ўқувчиларнинг қатор белгилари асосида пайқаб олади ва зарур ҳолларда баён қилиш усулини ўзгартиради. Шунингдек, ўқитувчи талабаларни саводли ўзлаштиришлари учун замин тайёрлаб, уларни дам олишдан ишга ўтишлари, бўшашига, ланжлигига барҳам бериш учун минимал даражада фойдаланиш учун вақт ажратиш зарурлигини ҳисобга олади. У тегишли вазият юзага келгунга қадар иш бошламайди.

Ижодий ишлайдиган ўқитувчи фақат талабаларни муваффақиятли ўқитиш ва тарбия бериш, илғор иш тажрибаларини ўрганиш билангина чекланиб қолмасдан тараққётчилик кўникма ва малакаларига ҳам эга бўлиш зарур. Хозирги замон фан ва техника тараққиёти ўқитувчининг ижодкор бўлишини, фаннинг муҳим муаммолари юзасидан эркин фикр юрита билиш, фан ютуқларини ўқувчиларга етказа олиши, тадқиқот ишларига йўналтира олиши, замонавий педагогик технологиялар асосида талабаларга билим бера олиш маҳоратларини талаб этади.

Замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этиладиган машғулотларда ўқитувчининг ҳар бир талабага шахс сифатида қараши дарсинг муҳим компонентларидан бири ҳисобланади:

- талабанинг ижобий ҳатти-ҳаракатларига тўсқинлик қилмаслиги;
- талабларни аниқ ва тушунарли бўлиши;
- кўйилган талаб ва вазифаларни натижасини билиш;
- талаб очик чеҳра, самимий бир оҳангда берилиши, илтимос, маслаҳат, яхши ниятга чорлаш;

- талаб ўқувчиларнинг ёши, билим савиясига мос булиши.
- талабларга кесатиш, лўқма, миннат қилиш бўлмаслиги ва бошқаларга эътибор бериш лозим.

Ўқитувчининг вазифаси талаба-ёшлар жамоасини ташкил қилиш, тарбиялаш ва жипслаштириш борасидаги назарий билимларни ўзлаштириб, илғор тажрибаларга суяниб, уларни таълимий жараёнда ўртоклик, дўстлик, ўзаро хамкорлик, хамжиҳатлик, ўз -ўзини тарбиялаш ва бошқариш каби жамоатчилик сифатларини шакллантириш маҳоратини ўзлаштиришдан иборат. Улар:

- ҳар бир ўқувчи шахсида ўзаро муносабат алоқаларини яратиш;
- ўқувчилар кундалик фаолиятларининг хамма қирраларини жамоада жипслаштириш;
- шахсий манфаатдан жамоа манфаатини юқори қўйишга ўргатиш;
- жамоада бир - бирига меҳр - оқибатли, мурувват ва сахийлик дўстона хамкорлик мавжуд бўлса, у катта тарбиявий кучга айланади.

Ҳар бир ўқитувчи педагогик фаолият юритар экан, бераётган таълим-тарбиясининг янада самарали бўлиши учун ўз устида муттасил ишлаши, билимини, маҳоратини ўстириши, ўқувчилар билан бўладиган муносабатларни пухта ўйлаб, уларнинг кўнглига озор етказмасдан иш олиб бориши лозим. Муомала маданияти, ўзини тута билишини назорат қилиши керак. Ўқитувчи ўзининг педагогик фаолиятида аввало тўғри сўз бўлиши, ишларини адолат билан олиб бориши керак. Бу хислат ўқитувчи билан ўқувчи ўртасида яқинликни оширади, чунки адолат инсонлар хулқини баҳоловчи муҳим мезондир.

Замонавий педагогик технологиянинг марказида таълим жараёнининг раҳбари хамда шу жараёнининг субъекти хам объекти бўлган ўқитувчи ва ўқувчи туради. Шундай экан, бу икки шахсининг хамкорлиги, ўзаро мулоқоти, бир - бирига кўрсатадиган таъсири энг замонавий ва миллий талаблар асосида ташкил топиши керак. Бунинг учун биринчи навбатда, ўқитувчи таълим - тарбия жараёни олдига қўйилган талаблар, таълимни ташкил этиш

ва бошқариш тамойиллари ҳамда йўллари, ўқувчини ақлий ва жисмоний жиҳатдан ривожлантириш усуллари, у билан ҳамкорлик қилиш, уни ўқишга, ўрганишга йўналтириш, ўқувчи шахси фаолиятини тўғри ташкил этиш, улар билан мулоқога киришиш, муоаммо ва келишмовчиликларни бартараф этиш, гуруҳда ижодий, ишчан муҳитни вужудга келтириш, ўқувчи фаолиятини аниқ ва тўғри баҳолаш методлари билан қуролланган бўлиши лозим.

Ўқитувчининг самарали фаолият кўрсатишига йўналтирилган, дарсинг методик ишланмасидан фарқли ўларок, таълимнинг педагогик технологияси таълим олувчиларга йўналтирилган бўлиб, болаларнинг шахсий ҳамда ўқитувчи билан биргаликдаги фаолиятини ҳисобга олган ҳолда, ўқув материалларини ўзлаштиришга қаратилган бўлади. Педагогик технологиянинг марказий муаммоси ўқувчи шахсини ривожлантириш орқали таълим мақсадига эришишни таъминлашдан иборат.

Педагогик технологиянинг тамойиллари қуйидагилардан иборат:

- кафолатланган яқуний натижа;
- таълимнинг махсулдорлиги;
- тесқари алоқанинг мавжудлиги;
- таълим мақсадининг аниқ шаклланганлиги.

Ўқув омилларини яратишга асосланган педагогик технологияни тадбиқ этиш ва унинг мақсадига эришиш ўқитувчининг педагогик маҳорати, мулоқот маданияти, нутқининг тўғрилиги, коммуникатив маҳоратининг ўқувчиларга таъсири, педагогик техникани эгаллаганлик даражаси ва бу техникани бевосита дарсда қўллашга улгура олишига боғлиқдир.

3.2. Андижон банк коллежида таълим технологияларини қўллаш билан боғлиқ ташкилий-услубий ишларни такомиллаштириш.

Республикамиз Президенти Ислам Каримов таъкидлаб ўтганларидек: «Замон талабларига мос мутахассис тайёрламоқчи эканмиз, биринчи навбатда ўқув юртларимизнинг шакли, қиёфаси ва таркиби, моддий базаси ҳам замонавий бўлиши керак»⁵. Зеро, ҳар бир жамиятнинг келажаги унинг

⁵ Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури. Тошкент, 1997 й

ажралмас қисми бўлган таълим тизимининг қай даражада ривожланганлиги билан белгиланади.

Коллежда замонавий педагогик технологияларни ўқув жараёнига жорий этиш кўламини кенгайтириш, бу йўналишда илғор тажрибаларни татбиқ қилиш, ҳар бир фан бўйича бу соҳада аниқ режаларни тузиш ва амалга ошириш, дарслик, ўқув қўлланмалари ва дастурлар, маъруза матнларини электрон нусхаларини кўпайтириш ва улар билан ҳар бир талабани таъминлашга эришиш, илмий, илмий-методик ишларда, ўқув-тарбия жараёнига замонавий ахборот технологияларни кенг жорий этишни ривожлантириш, уларни ахборот воситалар билан таъминлаш, коммуникацион тармоқларга боғлаш энг муҳим вазифа ҳисобланади.

Коллежда ҳам агар педагог қўлида билимга чанқоқ талабалар, фан мақсадига мос мазмун дастур, қўлланма, дарсликлар мавжуд бўлсин у дидактик жараёни муваффақиятли амалга ошириш учун билиш фаолиятини ташкилий шаклларида самарали фойдаланиб замонавий педагогик технологияни амалиётга изчил ва кетма кет жорий этиш мумкин. Шу боисдан ўқитувчи маҳоратига кўп нарса боғлиқлиги унинг педагогик тизимда тутган ўрни ҳақида батафсил тўхталамиз.

1. Ўқитувчи давлат буюртмасига мос келадиган таълим-тарбия мақсадини аниқ ва равшан белгилаши керакки, натижада маълум вақт ичида унга эришиш учун таъминлайдиган дидактик жараёни тузиш ва жорий этиш тўғрисида ҳулоса қилиш мумкин бўлсин.

2. Ўқитувчи педагогик тизимида белгиланган мақсадга тўғри келадиган ўқув-тарбиявий жараён мазмунини ўқув дастури бўйича чуқур эгаллаши, мунтазам равишда ўз педагогик маҳоратини илмий-техникавий тараққиёт талабларига мос ҳолда мустақил равишда кенгайтириб бориши зарур.

Бу талабни аниқлаб берувчи омиллар:

- талабаларнинг ўқишга бўлган хохиши;
- ўқув меҳнатига муносабати.

Ўқитувчи педагогик тизимнинг иштирокчиси бўлган талабанинг таълим мазмуни ва тарбия таъсирини қай даражада эгаллаётганлигини энг мақбул усуллар ёрдамида доимо назорат қилиб бориши лозим. Бу тўғрида олинган ахборотлар эса педагогик тизимни мақсадга мувофиқ тарзда бошқалар имкониятини беради ёки тизимдаги қайси элементнинг мазмунига тузатиш киритиш керак эканлигини аниқлайди.

Шундай қилиб, таълимга хос бўлган технологик жараёни амалиётга тадбиқ қилишдан педагог маҳоратининг баъзи қирралари тўғрисида гапирилди. Замонавий педагогик технологияларнинг илмий характерга эга эканлигига эътиборни қаратган ҳолда, унинг амалий йўналишга хослигини, уни аниқ масалаларни ҳал қилишда қўллаш мумкинлигини эътироф этиш керак.

Демак, назарияни ўқув амалиёти билан боғлаш заруратини ва тадқиқотимиз мавзусининг назарий асосларини ўрганиш замонавий педагогик технологияни аниқлаб берадиган қатор ҳолатларни белгилашга имкон берди:

1. Замонавийлик таълим амалиётига илмий асосланган ва тажриба синовда текширилган дидактикага оид замонавийликлар, тартиб-қоидаларни жорий этишини мажбурийлигини тақазо этади;

2. Ўқув жараёнини мақбуллаштириш;

3. Илмийлик таълимда замонавий воситалар, фаол методлар, дидактик материалларни, ташкилий масалаларининг замонавий ечимларини қўллашни тақазо этади;

4. Талаба ва ўқитувчининг дастурли фаолияти ўқув жараёнидан жамики ортиқ ҳаракатларини йўқотишга, юқори ҳамжиҳатликни таъминлашга керакли натижаларни қўлга киритишга интилишини талаб этади;

5. Таълимни фаоллаштирувчи ахборот технологияси ва техник воситалардан, улардан фойдаланиш самарасини белгилайдиган дидактик материаллардан кенг фойдаланиш замонавий педагогик технологияларнинг энг асосий асосий белгиларидан биридир;

6. Ўқув жараёни учун моддий-техника базасининг мақсадга мувофиқлиги педагогик технологиянинг навбатдаги белгисидир;

7. ўқув -тарбиявий жараён натижаларини сифатли баҳолаш педагогик технологиянинг ўз олдига қўйган натижавий мақсадидир.

Юқоридаги фикр ва мулоҳазалардан келиб чиқиб, қуйидаги хулосага келишимиз мумкин:

- замонавий педагогик технология ўзининг педагогика ва бошқа фан ютуқлари билан боғлиқ хусусий назариясига эга;

- у биринчи галда ўқув-тарбиявий жараённи илмий асосда кўришга йўналтирилган;

- ўқитишнинг ахборотли воситаларидан ва дидактик материаллардан, фаол методлардан кенг фойдаланишга асосланган ўқитувчи ва ўқувчиларнинг биргаликдаги фаолиятига замин яратади.

Шу ўринда таъкидламоқ лозимки, бугунги кунда ёшларни маънавий-интеллектуал рағбатлантиришнинг аҳамияти каттадир. Маънавий интеллектуал шакллари сифатларини замонавий усулларда аниқлаш тарбиявий жараёнга самарали ўзгартиришлар киритади. Ўқувчи-ёшларнинг, талабаларнинг маънавий-интеллектуал шаклланиш сифатларидаги ютуқ ва камчиликларни рағбатлантириш тизими, тарбия мазмуни, усуллари ва ташкилий шакллари яхшилашга мос кузатишлар киритиш лозим. Ўқувчи ва талабаларнинг билимини, ақлий ҳолатларини назорат қилиш ва баҳолаш давлат миқёсидаги муҳим аҳамиятга эга жараёндир. Шу билан бирга, назорат ва баҳолаш жараёни ўқувчи билимини бойитишга, улар шахсини

Умуман олганда, ўрта махсус таълим тизимида фаолият кўрсатаётган ҳар бир педагог қуйидаги замонавий педагогик технологияларни билиши керак:

-илғор педагогик технологияларнинг илмий-назарий асослари;

-педагогик технологиялар концепциясининг ривожланиш тарихи;

-ўқув жараёнига технологик ёндашиш ҳақида тасаввурга эга бўлиши;

-педагогик технологияларни дидактик қонуниятларини;

- ўқитиладиган фанга тегишли илғор ўқитиш технологияларини;
- дидактик жараёни маълум вақт чегарасида лойиҳаланиши;
- ўқитишнинг фаол методларини билиши ва қўллай олиши;
- ўқитишга технологик ёндашиш усулини;
- уй вазифаларини мақсадли, диагностик ва аниқ ўқув элемент тури тарзида бериш, технология лойиҳаларининг мантикий тузилмаси, коррекция;
- ўқув мақсадларини таксаномиясини ишлаб чиқиш;
- тест тпошириқларини талаба фаолият даражаларига мос ҳолда тузиш бўйича кўникмаларга эга бўлиши шарт;
- глобал Интернет компьютер тармоғидан фойдаланиш;
- ўқув жараёнида амалий дастур пакетларини қўллаш;
- ўқув жараёнида электрон почтадан фойдаланиш бўйича кўникмаларга эга бўлиш шарт;
- рейтинг назорат ва талабаларнинг билимларини объектив баҳолаш.

Таълимни амалга ошириш жараёнига замонавий педагогик технологияларни киритиш қуйидагиларга асосланади:

- таълим жараёнида иштирок этувчи ўқувчи шахси устиворлигини таъминлаш;
- таълим мақсадининг натижага эришувини (кафолатланганлиги) амалга ошириш;
- таълим жараёни бошқарилувчи жараён эканлигидан келиб чиққан ҳолда унинг мақсадли бошқарилувига эришиш;
 - таълим мазмунини таъминловчи восита, усул шакллари технологиясини ягона бир тизимга келтириш.

Шуни таъкидлаш лозимки, коллежда таълим тизимини замонавийлаш вазифаларини мавжуд ўқитиш усулларини педагогик технология асосида қайта ташкил этиш, аудиторияда, синфда, дасрда, дасрдан ташқарида ўқув-тарбиявий ишларни бажаришга киришгандаёқ педагогик жараённинг натижасини кафолатлайдиган қилиб лойиҳалаш ва амалга ошириш йўли билангина бажариш мумкин.

Таълим бериш, ҳар бир мавзунинг мағзини талабалар онгига етказиш маҳорати ўқитувчидан кўп изланишни, кўп мутолаа қилишни талаб қилади. Мавзунинг мақсадига қараб, таълим методларини танлай билади.

“Оддийдан мураккабга” деган ибора бор. Мана шу иборага кўра коллеж ўқитувчилари таълим жараёнида осон ўзлаштириладиган замонавий педагогик технологияларни қўллаш орқали аста-секин мураккаброк ўқитишнинг илғор усулларига ўтишлари мумкин. Бу вақтга келиб, дарсларини янада қизиқарлироқ, мазмундор ўтказиш истаги ўқитувчининг ўзида ҳам шаклланиб улгуради. Юқоридагиларга асосланган ҳолда шуни айтиш мумкинки, Андижон банк коллежида ҳам замонавий педагогик технологиялар, замонавий ўқитиш услубларидан фойдаланиб, жаҳон талаблар доирасида ўқувчи ва талабаларни ўқитиш мумкин.

Юқоридагиларни эътиборга олган ҳолда янги педагогик технологиялар қатор муҳим хусусиятларга эга бўлади. Улар қуйидагилар:

1.Тизимли ёндашув асосида таълим олувчининг ўқиш-билиш фаолиятини тасвирлайдиган таълим жараёни лойиҳасини тузиш;

2.Ўқитувчи томонидан ўз психологик билимларини, педагогик мақсадни ҳаётга тадбиқ этишга эришиш малака ва кўникмаларига эга бўлиш;

3.Таълим жараёнини олдиндан лойиҳалаш ва ўқувчи, талабалар билан қайта ишлаб чиқиш;

4.Таълим олувчилар имкониятларидан қониқиш, мотивациясида ҳар дарсда, ҳар томонлама фойдаланиш;

5.Мустақил ўрганилаётган билимлар, тушунчалар,шаклланаётган малакалар пайтида ўқитувчи томонидан таълим олувчиларнинг роҳатланиши, ўйинларни ишлай билиши;

6.Таълим мақсадининг реал бўлиши ва унинг тузилиши, мазмунини яхлитлиги, ўзаро боғлиқлигига эришиш;

7.Таълим жараёнида техник воситалар, кўргазмалар иш қуроллари ҳамда инсон салоҳиятининг ўзаро таъсирини ҳисобга олиш;

8.Таълим мақсадини эталон асосида таълим оловчиларнинг кузатиладиган, ўлчанадиган ҳаракатлари шаклида ойдинлаштириш;

9.Таълим оловчининг фаоллигини оширишга эришиш;

10.Ўқиш жараёнида рўй берадиган хатоларни аниқлаб, тузата бориш (имконият борича таълим оловчилар ўзлари ўз хатоларини индивидуал билиб, ўзлари коррекция ишлари олиб боришга эришиш).

11.Таълим оловчилар муваффақиятларини белгиланган мезонларга биноан тест вазифаларини бериб диагностикалаш;

12.Таълимнинг режалаштирилган натижасига эришишнинг кафолатланганлиги ва самарадорлигининг юқорилиги каби хусусиятлар янги педагогик технологияларни таълим жараёнига тадбиқ этишнинг муҳим шартлари ҳисобланади.

Хулоса ва таклифлар.

Ушбу ёзилган ишимизни якунида хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, бугунги кунда ўрта махсус таълим тизимида замонавий дидактика ва таълим таркибларининг самарадорлигини ошириш имкониятлари, замонавий ғоя ва технологияларнинг илмий ишлаб чиқилиши ва амалий асосланиши кўлланилмоқда. Замонавий технологик мутахассис бўлиш учун таълим технологияларининг барчасини, шу жумладан педагогик компонентларини чуқур ўрганиб, таҳлил қилиш лозим.

Юқоридагилардан шундай хулосаларга келиш мумкин:

1.Таълим жараёни самарадорлигини ошириш, таълим олувчиларнинг мустахкам назарий билим, фаолият, кўникма ва малакаларни шакллантириш, уларни касбий маҳоратга айланишини таъминлаш мақсадида ўқитиш жараёнида янги педагогик технологиядан фойдаланиш давр тақозоси ҳамда ижтимоий зарурият сифатида кун тартибига кўйилмоқда.

2.Таълим жараёнига янги педагогик технологияни тадбиқ этиш кадрлар тайёрлашга йўналтирилган умумий жараён мазмунининг сифат жиҳатдан ўзгаришини таъминлайди.

3.Янги педагогик технология назарияси гояларидан фойдаланиш асосида ташкил этилган таълим жараёни баркамол шахс ва малакали мутахассисни тарбиялаш борасидаги ижтимоий буюртманинг бажарилиш ҳолатинининг сифат кўрсаткичига эга бўлишига олиб келади.

4.Баркамол шахс ва малакали мутахассисларнинг ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнидаги фаолиятлари ҳамда уларнинг самараси ижтимоий тараққиётнинг тезлашувига олиб келади.

Тадқиқот ишимизни бажариш юзасидан қуйидаги таклифларни ишлаб чиқдик :

- педагог- ўқитувчиларни замонавий педагогик ва ахборот технологиялари буйича билимлар тизими билан қуроллантиришни узликсиз ташкил этиш;

- таълим беришнинг замонавий усулларини талаб этадиган ва унга ўзининг маълум хусусиятларини жорий этадиган замонавий техникавий, ахборотли полиграфик, аудиовизуал воситалар мавжудки, улар замонавий педагогик технологияларни реал воқеликка айлантиргани ҳолда, таълим - тарбиянинг мақсади бутунлай замонавийланади, унга мос ҳолда мазмун ҳам, педагогик жараёнда ҳам замонавийланиш рўй беради. Демакки, ҳар бир педагог ахборот берувчи замонавий технологиялари билан ишлай олиш маҳоратига эга бўлиши керак.

- кўп босқичли таълим тизимида педагогик технологияларнинг ўрнини асослаш зарур.

- истиқболли ўқитиш воситаларини яратиш ва уларга таянган ҳолда илғор педагогик технологияларни лойихалаш, амалиётга жорий этиш, оммалаштириш ва аниклаш зарур;

- тегишли бошқарув органлари (таълим марказлари) томонидан ўқув муассасалари фаолиятида замонавий педагогик технологияларни тадбиқ этилиши даражасини назорат қилиш ва Мониторингини юритиш;

- бўлажак педагог - ўқутувчиларга педагогик технологиялар назарияси ва амалиёти бўйича махсус курс ташкил этилиши ва ўқитиш;

- илғор ўқитувчилар иш тажрибалари ва усулларини ўрганиб бориш, уларни яратган замонавий услубларини замонавий педагогик технология даражасига кўтариш борасидаги ишларни амалга ошириш;

- ўқитувчи фаолиятини педагогик технология қонунларига мослаштириш борасида турли рағбатлантиришлар тизимини ишлаб чиқиш;

- педагогик технология ёрдамида таълим жараёнидаги хато, камчиликларни, мавжудлигини олдини олиш, мақсадни куя олиш, таълим жараёни педагогик технология сифатида караш, замонавийликка, ижодга интилишдан иборат.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

I.Ўзбекистон Республикаси Қонунлари.

- 1.Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т.: Ўзбекистон, 2009,-40 б.
- 2.Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонунининг ”Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори”. Шарқ 1997
- 3.Кадрлар тайёрлаш миллий дастури . ”Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори”. Шарқ 1997
- 4.ОЎМКХТВ нинг 2010 йил 9 июндаги 225 сонли “Олий таълим муассасаларида бакалаврларнинг битирув малакавий ишни бажаришга кўйилган талаблар” тўғрисидаги буйруғи.

II.Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Қарорлари

- 5.Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги 2010 йил 22 декабрдаги 1245-сонли қарори
- 6.“Баркамол авлод йили” давлат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида: ЎЗР Президентининг Фармойиши. 2009 йил 9 декабрь //Халқ сўзи. -2009. - № 238. – мо декабрь. – 1 б.

III.Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

7. Каримов.И.А 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. Т.: Ўзбекистон, 2012 йил,118-бет.
8. Каримов И.А. Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш – барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир. “Халқ сўзи” газетаси №28(4438)- сони. 9 феврал, 2011 йил
9. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади” 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилга

мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. 2011 йил 14 феврал, Тошкент шаҳри

10. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанамиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир - Т.: Ўзбекистон, 2010 йил

11. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари – Т.: Ўзбекистон, 2009 й.

12. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби. Халқ сўзи., 2009 йил 14 феврал

13. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. – Т.: «Ўзбекистон», 2007 йил.

14. Каримов И.А. Янгилаш ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш – асосий вазифамиз. Ўзбекистон овози., 2007 йил 13 феврал.

15. Каримов И. А. Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим. // “Халқ сўзи” газетаси, 2006 йил 11 феврал.

16. Каримов И. А. “Баркамол авлод орзуси” Тошкент. “Шарқ” нашриёти. 1999 йил.

17. Каримов И. А. “Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори ” Тошкент “Шарқ” нашриёти 1998 йил.

18. Каримов И. А. “Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби”. Тошкент – 1997 йил.

19. Каримов И. А. “Биздан озод ва обод Ватан қолсин” Тошкент -1996 йил.

20. Каримов И. А. “Халоллик ва фидоийлик – фаолиятимизнинг асосий мезони бўлсин” Тошкент “Ўзбекистон” – 1994 йил.

21. Каримов И. А. “Ўзбекистоннинг ўз истиқлоли ва тараққиёт йўли” Тошкент “Ўзбекистон” 1992 йил.

IV. Дарсликлар

22. Омонов Н.Т., Хўжаев Н.Х., Мадёрова С.А., Эшчонов Э.У., “Педагогик технологиялар ва педмоҳорат” Тошкент “Иқтисодиёт – Молия” 2011 йил.

23. Ибрагимов И. Х., Йўлдошев И. А. Бобомирзаев Х. “Педагогик психология”. Тошкент – 2009 йил.

24. Толипов Ў., Усмонбоева М. “Педагогик технология” назария ва амалиёт. Тошкент “Фан” 2005 йил.

25. Йўлдошев У. А. “Интерактив дарс усуллари” Навоий 2004 йил.

26. Йўлдошев Ж. Ғ. “Янги педагогик технологиялар” Тошкент “Фан” 2004 йил.

27. Азизхўжаева. Н. Н. “Педагогик технология ва педагогик маҳорат” Низомий номли ТДПУ Тошкент 2003 йил.

28. Саидахмедов Н. “Янги педагогик технологиялар” Тошкент “Молия” 2003 йил.

29. Омонов Н.Т., Хўжаев Н.Х., Мадёрова С.А., Эшчонов Э.У., “Педагогик технологиялар ва педмоҳорат” Тошкент “Иқтисодиёт – Молия” 2009 йил.

V. Ўқув қўлланмалар

30. Муаллифлар гуруҳи. Ўзбекистонда бизнес кейслар: Ўзбекистон Республикасидаги бизнес таълимотида “Кейс-стади” услубининг қўлланилиши.–Т.: Академия, 2006.

31. Б.Ю.Ходиев, Қ.М.Абдуллаев, И.Иномов, Г.Абдуллаева “Янги педагогик технологиялар” ўқув қўлланма Тошкент – 20007йил.

32 Академик С.С. Ғуломов умумий таҳрири остида “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ташкил этиш, режалаштириш, бошқариш” Тошкент “Фан ва технология” нашриёти – 2005 йил

33 Қосимов М.С, Ходиев Б.Ю., Самадов А.Н., Мухиддинова У.С., “Кичик бизнесни бошқариш” Тошкент “Ўқитувчи” нашриёти – 2003 йил.

34. “Тадбиркорлик ва кичик бизнес” Академик С.С. Фуломов таҳрири остида Тошкент “Шарқ” нашриёти 2002 йил

VI. Докторлик, номзодлик диссертациялари

35. Зокиров И.И. «Таълим жараёнига янги педагогик технологияларни тадбиқ этишнинг назарий-амалий асослари». Номзодлик диссертацияси. Т.-2005й-128б.

36. Исимова А.Б. «Дарсдан ташқари таълим – тарбия жараёнида ўқувчиларда соғлом турмуш тарзини шакллантиришнинг педагогик шарт шароитлари» номзодлик диссертацияси. Т., 2004й.-145 б.

37. Маҳкамов М. «Бўлажак гуруҳ раҳбарларнинг педагогик мулоқот маданиятини шакллантириш» номзодлик диссертацияси. Т., 2005й.

38. Махмудов М.Х. «Таълимни дидактик лойиҳалашнинг назарий асослари». Докторлик дис.- 2004й.-332 б.

39. Хайдаров О.Қ. «Бўлажак ўқитувчиларни таълим жараёнига технологик ёндошувини тайёрлаш». Номзодлик диссертацияси.- Қарши -2005й -182 б.

40. Қурбаниязова З. «Тарбиявий ишлар жараёнида тарбияланувчиларда миллий ўзликни англашни шакллантиришнинг педагогик асослари» номзодлик диссертацияси. Т., 2002й.-120б.

VII. Интернет сайтлари

1. <http://www.uz>
2. <http://wwwparliament.gov.uz>
3. <http://www.gov.uz>
4. <http://www.press-service.uz>
5. <http://www.mineconomy.cc.uz>
6. <http://www.mf.uz>
7. <http://www.tresure.uz>
8. <http://www.stat.uz>
9. <http://www.gtk.uzsci.net>
10. <http://www.edu.uz>
11. <http://www.tsue.uz>
12. <http://www.tfi.uz>

13. <http://www.glossary.ru>
14. <http://www.budgetrf.ru>
15. <http://www.lex.uz>